



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
14-yanvar
chorshanba
№ 2 (1480)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqq boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ @ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ f Hurriyat gazetasi

✓ 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ САЛОҲИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ — БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

Хавфсизлик ва мудофаани янада мустаҳкамлаш вазифалари муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида 13 январь кuni Хавфсизлик кенгашининг мамлакатимиз ҳарбий хавфсизлиги ва мудофаасини мустаҳкамлаш масалалари бўйича кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳарбий округлар қўмондонлари, ҳарбий-маъмурий секторлар раҳбарлари, бошқа идоралар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўтган йилларда мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Миллий армиямиз замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланмоқда. Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий-руҳий тайёргарлик даражаси изчил ошириб борилмоқда, мудофаа саноатининг салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

Мудофаа вазирлиги қўшинларида янги тактик усуллар жорий этилиб, машғулотлар сони ва шиддати 1,5 баробарга оширилди, учувчисиз учуш аппаратлари бўлиналари ва мутахассислар тайёрлаш марказлари ташкил этилди.

Армияни рақамлаштириш бўйича бошланган ишлар натижасида ахборот хавфсизлиги, бошқарув ва кўрсатилаётган хизматлар самарадорлиги сезиларли даражада ошди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳарбий таълим тизими тубдан янгиланди, малакали профессор-ўқитувчи ва инструкторлардан иборат Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети ташкил этилди.

Таълим жараёнига ўқитишнинг илғор рақамли технологиялари, жумладан, сунъий интеллектга асосланган ва замонавий баҳолаш тизимлари жорий этилган ҳарбий кадрлар тайёрлаш сифатини янги босқичга олиб чиқди.

Йиғилишда мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Турли минтақавий моҳаролар кенгайиб, қуролланиш пойгаси авж олаётгани, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, ҳалқаро ҳуқуқ нормалари ва халқаро дипломатия заифлашиб бораётгани қайд этилди.

— Бир нарсани тушуниб олиш зарур. Замонавий уруш табиати тубдан ўзгарди. Энди қайси давлат фақат танк, самолёт ёки аскарлар сонига таяниб ғалаба қозонаман деса, қаттиқ адашади. Ҳозирги жанглар сунъий интеллект, рақамли бошқарув, узоқ масофага юқори аниқликда зарба берувчи воситалар, кибер ва робот технологиялар, сиёсий-иқтисодий босим

асосида олиб борилмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу боис, тинчлик ва хотиржамлик энг қиммат бойликка айланаётганини бир дақиқа ҳам унутмаслик лозимлиги таъкидланди. Бу бойлиқни асраб-авайлаш учун эса ҳар бир соҳа ва тармоқ хавф-хатарларга олдиндан жавоб қайтариш бўйича “проактив иш режими”га ўтиши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Олий Бош Қўмондон келгуси истиқболга мўлжалланган энг муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга устувор эътибор қаратилади.

— Шунинг унутмаслик керакки, ҳарбий таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизация қилиш армиянинг янги қиёфасини шакллантиришнинг асосий шартидир, — деди Президент.

Муддатли ҳарбий хизмат — фақат жисмоний ва ҳарбий тайёргарлик эмас, балки ёшларимиз жамиятда мустаҳкам ўрнини топиши учун уларни меҳнат бозорига ва мустақил касбага тайёрлаш босқичи сифатида ташкил этилиши зарурлиги қайд этилди.

Жумладан, армияда ёшлар камида битта касб эгаси бўлиб чиқиши бўйича мутлақо янги тизим яратилади. Ҳарбий қисмлардаги асосий йўналиш ва мутахассисликлардан келиб чиқиб, аскарларни касбага тайёрлаш бўйича 3-6 ойлик дастурлар ишлаб чиқилади. Дастурни якун-

лаган аскарлар малака имтиҳонидан ўтказилиб, уларга касб сертификати берилади.

Ҳар йили 5 минг аскар саралаб олинди, “Бир миллион дастурчи” ва “Беш миллион сунъий интеллект етакчиси” дастурлари доирасида ўқитилади.

Аскарларга муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳарбий қисмнинг ўзида олийгоҳга ўқишга кириш учун имтиҳон топшириш имконияти яратилади. Тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, талабаликка қабул қилинган аскарлар муддатли ҳарбий хизмат якунланиши билан олийгоҳда ўқишини бошлайди.

Шу билан бирга, армиядан қайтиб, олий ўқув юртларида таҳсил олмоқчи бўлган ёшларга хорижий тил ва фан сертификати олиш харажатлари қоплаб берилади. Агар улар олийгоҳларга контракт асосида қабул қилинса, фойзсиз таълим кредити ажратилади.

Бундан ташқари, армиядан қайтган ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича ҳам алоҳида имтиёзлар берилади. Жумладан, тадбиркорлик билан шуғулланиш ис-тагидаги ёшларнинг кредит харажатининг 6 фойзи давлат томонидан қопланади, давлат ташкилотларига ишга кирмоқчи бўлган ёшлар учун Бошқарув самарадорлиги агентлиги томонидан ўтказиладиган тест балларига 10 фойзлик имтиёз бериш амалиёти жорий қилинади.

2-6

✓ АЧЧИҚТОШ

Куни кеча россиялик телебошловчи Владимир Соловьёв ўзининг “Соловьёв LIVE” муаллифлик дастури эфирда Россия Украинада бўлгани каби постсовет ҳудудидаги бошқа мамлакатларда ҳам “махсус ҳарбий операция” ўтказиши мумкинлиги ҳақида гапирди. Табиийки, бундай тажовуз-корона чақириқ кескин ва ҳақли равишда норозилик муносабатларини келтириб чиқарди. ОАВда ёзилишича, жумладан, Арманистон ТИВ Соловьёвнинг сўзлари учун Россия элчисига норозилик нотасини топширган. Ўзбекистонда ҳам минг-минглаб юртдошларимиз, зийилар, депутатлар босқинчиликни тарғиб қилаётган бу кимсанинг сўзларини қоралаб чиқишмоқда. Хусусан, таниқли журналист Рўзбой Қўлдошев “Facebook”даги саҳифасида “Соловьёвни халқаро судга бериш керак” деб ёзди. Ўзбекис-

тон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов эса Соловьёвнинг “халқаро журналистлар ташкилотлари томонидан қабул қилинган журналист касб этика кодекслари қоида ва талабларини қўпол равишда бузганлигини” танқид қилди. Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Шерзодхон Қудратхўжа ижтимоий тармоқларда, жумладан, “YouTube” канали орқали бу чиқишга ўз муносабатини жонли эфир тарзида дарҳол баён қилди. Уни минг-минглаб юртдошларимиз қўллаб-қувватлаган ҳолда ўз изоҳларида фикр билдиришмоқда. Қуйида Шерзодхон Қудратхўжанинг “Facebook”даги саҳифасидан олинган “Соловьёвга жавоб”и эълон қилинди.

ТОРМОЗСИЗ ПРОПАГАНДА

ёхуд Соловьёвга жавоб

Россиялик тележурналист Владимир Соловьёв тўғридан-тўғри эфирда аввал қозоғга ўраб келинган нарсани очиб айтиди: халқаро ҳуқуқни инкор этиш мумкин, суверенитет — шунчаки расмий атама, бошқа давлатлар эса бемалол “таъсир доираси” деб эълон қилиниши мумкин. “Бизнинг Осиё” деган формула тасодифий оғиздан чиққан сўз эмас, балки давлатларни объектга, чегараларни эса тўсиққа айлантирадиган соф мустамлакачилик тилидир.

4-6

✓ БУГУННИНГ ГАПИ



ТҮЙ — НАМОЙИШ ЭМАС,
БАЛКИ ҲУҚУҚИЙ ВА
АХЛОҚИЙ КЕЛИШУВДИР

(Иккинчи давра суҳбати)

3-6

✓ ЭССЕ

НУРЛИ ИНСОН, ЗУККО ОЛИМ

БИЛАМАН, ДЕБ ЮРГАН
ЭКАНМАН-ДА...

Филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборов ҳақида бир нарсa ёзиб беришимни сўрашганда ҳеч иккиланмай “хўп” дедим. “У кишини яхши биламан, бирпасда ёзиб ташлайман”, деган фикр кечди ҳаёлимдан. Орадан бироз вақт ўтиб, кундалик икки-чирқилардан чекиниб, ёзишга ўтирдим. Ишонасизми, каллага ҳеч нарсa келмайди, нима ёзишни билмайман...

Кўп ҳолларда бирон шоир ва ёзувчи, олим ва санъаткор ҳақида гап кетса, ҳа, уни яхши биламан, деб ўйлаймиз. Аммо ҳар доим ва ҳамма ҳақида ҳам бундай деб бўлмайди. Айрим ижодкорларни юзаки биламиз, ўзаро суҳбатлар, узук-юлуқ фикрлар, баъзи шеър ва ҳикоялари, мақолалари бўйича хулоса чиқариб юрамиз.

Профессор Нурбой Жабборовнинг қўллаб мақолаларини ўқиганман, бир нечта мақола-сини “Гулистон”да босганмиз (уларнинг аксариятини ўзим буюртма бериб ёздирганман).



Бирок биронта китобини ўқимаган эканман. Уялиблар кетдим, ростки. Хориқлик адиблар, олимлар асарларини ўқиймиз, таржима ҳам қиламиз, аммо ёнимиздаги ижодкорларнинг китобларини ўқишга гўё “вақтимиз йўқ”. Фармонбиди (“Келинлар кўзголини”) айтгандай, “чет элники деса, хўрозқандни ҳам ётиб олиб ялаймиз”. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ.

Шу мулоҳазалардан сўнг Нурбой Жабборов ижодининг библиографияси билан танишдим. Библиографияни ким тузган, билмайман (балки ўзидир), шу қадар батартиб, қойил қолдим, ҳавасим келди! “Алоҳида нашрлар”, “Дарслиқлар, ўқув қўлланмалар”, “Қомус, илмий тўплам, журнал ва газета-

ларда эълон қилинган мақола-лар”, “Н.Жабборов илмий раҳбарлигида ёқланган докторлик диссертациялари”, “Номзодлик диссертациялари”, “Магистрлик ишлари”, “Оппонентлик қилган ишлари” каби бўлимларга ажратилган. Ҳар бир китоб, тўплам, мақола қачон, қайси нашриётда, қанақа журнал ёки газетада чиққан — барча маълумотлар батафсил ёзилган, ижтимоий тармоқларда, веб-сайтларда чиққанлари алоҳида бўлимда жамланган ва уларнинг барчасига рақам қўйиб чиқилган. Ана ҳафсала-ю, мана ижодга эътибор, сўз, илм, адабиёт олдидаги масъулият! Тасанно! Урганса арзигулик!

4-6

✓ ҒУРУР

Ғайрат МАЖИД

Озодлик муҳридир бу, туғрога боқ...



ВАТАН – МАНГУ ҚҶШИҚ

Метиндай мустаҳкам кўргон армия,
Ватаннинг ҳолини сўргон армия.

Катта бир қўшунга баробар Широқ,
Мудом озодликка қалқон армия.

Иймони саломат Нажмиддин Кубро,
Шаксиз Жалолддин Султон армия.

Адолат бирла эл-юртлар сўраган
Амир Темир Соҳибқирон армия.

Дукчи эшонларнинг ўтпиг армони —
Муаззам Туркистон, Турон армия.

Ерда ҳам, осмони фалакларда ҳам,
Сафлари тўзмас қиз-ўғлон армия.

Халқ билан армия бир тану бир жон,
Тинчлигу хурликка посбон армия.

Бирлашсак, бўлиммас Ватан ҳеч қачон,
Ватан мангу қўшиқ — дoston армия.

7-6

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ САЛОҲИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ — БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

Мамлакатимиз ҳарбий хавфсизлиги ва мудофаасини янада мустаҳкамлашнинг устувор вазифалари муҳокама қилинди

1-6. Хусусий секторда фаолият юритмоқчи бўлган ёшларга касбни эгаллаш ва сертификат олиш харажатлари тўлаб берилди.

— Бир сўз билан айтганда, “муддатли ҳарбий хизматни ўташ — ёшлар учун муваффақият йўли”га айланиши керак, — деди Президентимиз.

Муҳандислик-техник, киберхавфсизлик ва ахборот хуружларига қарши курашиш соҳаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш энг муҳим масала экани таъкидланди. Шу боис, муҳандислик-техник йўналишдаги ҳарбий-илмий базани мустаҳкамлаш, жойларда ҳарбий технокорлар ташкил этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлигини янада мустаҳкамлаш билан бирга, уларнинг маънавий оламини ҳам мунтазам бойитиб боришни замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Бунда китобхонлик муҳим ўрин тутди. Шу боис, жорий йилда барча ҳарбий қисм ва муассасалар жами 1 миллион нусхадаги бадиий адабиётлар билан таъминланади.

Қуролли Кучлар тизимидаги ҳарбийга йўналтирилган мактаб-лицей ўқувчилари, муддатли ҳарбий хизматчилар, курсантлар, сержант ва офицерлар ўртасида Олий Бош Қўмондон соврини учун китобхонлик танлови йўлга қўйилди. Округ, қўмондонлик, вазирлик, Олий Бош Қўмондон танловларида ғолиб ва совриндор бўлган аскарларнинг муддатли ҳарбий хизмати бир ойга қисқартириб берилди.

Ҳар йили ҳарбий хизматчилар ўртасида кўпкураш, кўл жанги, огир атлетика каби спортнинг 10 дан ортиқ анъанавий турлари бўйича мусобақалар ўтказилмоқда. Энди жорий йилдан бошлаб киберспорт, дрон ва робот технологиялари

каби замонавий спорт турлари бўйича уч босқичли мусобақалар ташкил этилади.

— Минтақавий ва глобал вазиятни доимий таҳлил қилиб бориш, миллий армиямизнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш — бугунги кун талаби. Ўзбекистон армияси халқ ҳимоясига доимо тайёр туриши, бунинг учун тезкор, юқори технологияли, янги жанг шароитларига мос бўлиши керак, — деди Президент.

Шу сабабли, қўшинларни сунъий интеллект асосидаги роботлашган мажмуалар ва учувчисиз тизимлар, енгил ҳарбий техника, замонавий қурол-аслаҳа, разведка воситалари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз мудофаа саноатини янада ривожлантириш, соҳа корхоналарида рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни жорий этиш устувор вазифалардан бири бўлиши кераклигини қайд этди.

— Ҳарбий хизматчилар меҳнатини кадрлаш, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий пенсионерларни ижтимоий ҳимоя қилиш доимо диққат-эътиборимиз марказида бўлиши зарур, — деди Президентимиз ва бу борада катта янгиликларни эълон қилди.

Хусусан, 1 апрелдан бошлаб Мудофаа вазирлиги офицерларига кўп йиллик хизмати учун устама миқдори 2 карра оширилади. Контракт асосида хизмат қилаётган оддий аскар ва сержантларнинг ойлик маоши 10 фоизга кўпайтирилади.

Худудий мудофаа ишлари бошқармаси ва бўлимларининг ҳарбий бўлмаган хизматчиларининг ойлиги бу йил 20 фоизга, келаси йили яна 50 фоизга оширилади.

Қуролли Кучлар сафида 30 йилдан ортиқ хизмат қилган ҳарбийлар учун пенсия ҳисоблашда инobatта олинadиган ойлик миқдори 75 фоиздан 100 фоизга етказилади.

Шу билан бирга, ҳарбий хизматчилар учун уй-жой қурилиши кенгайтирилади.

Масъулларга ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминотини белгиладиган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, парламентга киритиш топширилди.

Замонавий хавф ва таҳдидларнинг мазмуни ҳам, кўлами ҳам кундан-кунга ўзгариб бораётгани, мудофаа ва хавфсизлик соҳаси олдига катта вазифалар қўйилаётганини инobatта олиб, давлатимиз раҳбари саккиз йил олдин қабул қилинган Мудофаа доктринаси ҳамда 1997 йилда қабул қилинган Миллий хавфсизлик концепциясини қайта кўриб чиқиш вақти келганини кўрсатиб ўтди.

Янги Мудофаа доктринаси мамлакатимизнинг ҳеч қайси ҳарбий блокка қўшилмаслик мақомини сақлаб қолишни, кўп томонлама дипломатияга таянишда давом этишини, юқори технологияларга асосланган стратегия, ҳарбий мустақиллик ва минтақавий барқарорлик йўналишида ривожланишини таъминлаши лозимлиги таъкидланди.

— Умуман, янги доктрина армияни технологик янгилаш ва илғор ҳарбий ечимларни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши керак, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари йиғилиш якунида Қуролли Кучларимизнинг жасур аскар ва сержантлари, офицер ва генераллари, фахрийлари, уларнинг оила аъзолари ва ақинларини Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни билан самимий табриклади.

Йиғилишда мудофаа вазири, ҳарбий округ қўмондонлари ва бошқа масъулларнинг ҳисобот ҳамда таклифлари эшитилди.

Ў.А.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

УЮШМА МУТАХАССИСЛАРИ ҲАРБII ҚИСМДА

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий ватанпарварлик ойлги доирасида Навоий шахридаги 523-сонли ҳарбий қисм ҳамда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими ҳамкорлигида “Миллий армия — она юрт қалқони, тинчлигимиз посбони” шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Уюшма аъзолари, ижодкорлар ва муддатли ҳарбий қисм аскарлари иштирокидаги тадбирда сўзга чиққанлар ватан ҳимоячиси бўлиш ҳар бир йигитнинг халқ ва миллат олдигаги шарафли вазифаси эканлигини, бу борада ёшлар тафаккурида мустаҳкам қатъият ва ирода мужассам бўлиши кераклигини таъкидладилар.

Ёшларни маънавий юксакликка етаклашда муҳим омил бўлиб хизмат қилувчи ушбу тадбирда китоблар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Унда журналистлар



қисм аскарлари билан китобхонлик, китоб ўқиш маданияти ҳақида суҳбатлашишди.

УСТОЗ ЖУРНАЛИСТНИНГ ҚУТЛУҒ ЁШИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими томонидан оммавий ахборот воситалари тизимида кўп йиллар давомида самарали фаолият олиб борган, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган устоз журналистларни қўллаб-қувватлаш, улар ҳолидан хабар олиш, кўнглини кўтариш ҳамда уларнинг бой тажрибасини ёшларга ибрат сифатида кўрсатиш борасида қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, вилоятдаги қўллаб журналистларнинг устози саналган Саидакром Саидвалиев қутлуг 85 ёшни қарши олди. Уюшманинг Тошкент вилояти бўлими раиси Раҳматилла Шералиев ҳамда “Диёр овози” газетаси бош муҳаррири Саъдулла Матёкубов устоз журналистни қутлаш мақсадида унинг хонадонига ташриф буюришди.

Саидакром Саидвалиев 1941 йил 6 январь куни Тошкент шахрида туғилган. У 1966 йилда Тошкент давлат университети танимоланган сўнг меҳнат фаолиятини 1959 йилда Ангрен шахридаги “Ўзбекистон шахтёри” босмахонасида харф терувчи сифатида бошлаган. Кейинчалик Қўрай туманининг ҳозирги “Қўрай садоси” (аввалги “Коммунизм тонги”) газетасида масъул котиб, бош муҳаррир ўринбосари, ҳозирги “Ёшлар овози” (аввалги “Ёш ленинчи”) газе-



таси тахририятида бўлим мудирини бўлиб фаолият юритган.

Шунингдек, Ўзтелевидение ва радио қўмитаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси қасаба уюшмалари кенгашининг “Ишонч”, “Амир Темури” халқаро жамғармасининг “Соҳибқирон юлдузи”, “Янги аср”, “Интерспорт” газеталарида бош муҳаррир лавозимларида меҳнат қилган. 2006-2011 йилларда эса Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Тошкент вилояти бошқармасида бўлим бошлиғи вазифасида ишлади.

Суҳбат якунида Саидакром Саидвалиевга Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими томонидан эсдалик совғаси топширилди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати.

ЖАМИЯТ

ИСЛОҲОТЛАР МОҲИЯТИНИ ЧУҚУР АНГЛАШ ЗАРУРАТИ

Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли 21-умумий ўрта таълим мактабида фаолият юритаётган ўқитувчилар ва ходимлар иштирокида Ўзбекистон Республикаси

Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасининг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган тарғибот тадбири ўтказилди.



ЭҲТИРОМ

100 ЁШЛИ ОНАХОН

Янги йилнинг илк кунлари қувончли хабар билан бошланди: Оҳангарон туманидаги “Қорахитой” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган “Висол” тўйхонасида уч авлод учрашуви бўлиб ўтди.



Унда Оҳангарондаги сут-товар фермасида узоқ йиллар соғувчи бўлиб ишлаган Хилва ая Жаҳоналиеванинг муборак юз ёшлик юбилеини нишонланди.

Самарали меҳнатлари эвазига Хилва Жаҳоналиева бир қанча орден ва медаллар билан тақдирланган. Учрашувда Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Республика “Нуроний” жамғармаси бошқаруви раиси Содикжон Турдиев, “Нуроний” жамғармаси Тошкент вилояти кенгаши раиси Абдусамид Носиров, таниқли тадбиркор Шунқор Умироқов ва бошқа ҳамюртларимиз сўзга чиқиб, Хилва Жаҳоналиевани қутлуг ёши билан муборакбод этди.

Хушовоз хонанда Хуршид Расулов ва бошқа санъаткорлар дилрабо қўшиқлари билан онахонни қутладилар. Қувончли кунда юз ёшида ҳам тетик, гап-сўзи залворли Хилва Жаҳоналиева ташриф буюрганларга ўз миннатдорчилигини изҳор этди.

Гапнинг рост, инсоннинг бир асрлик юбилейини ҳаётлик даврида нишонлаш катта шарафдир. Зеро, Ўзбекистон халқ шоири Мақсуд Шайхзода ёзганидек:

*Дўстлар, яхшиларни авайлаб асранг,
Салом деган сўзинг салмоғин оқланг.
Ўлағида юз соат йиғлаб тургандан,
Уни тириғида бир соат ўйқланг!*

Озод ХУШНАЗАРЗОДА.

МУЖДА



ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА МУНОСИБ ТУҲФА

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ҳамда 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни байрами арафасида Олмалик кон-металлургия комбинати томонидан Мис комплексини қўриқлаб келаётган ҳарбий хизматчиларга муносиб совға ҳозирланди.



Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигининг Олмалик шахрида жойлашган ҳарбий қисмида ОКМК ҳомийлигида барпо этилган замонавий инфратузилмага эга янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди.

Ушбу бинонинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, генерал-лейтенант Шухрат Халмухамедов, ОКМК раҳбарияти, Олмалик шахар ҳокимлиги масъуллари, Ўзбекистон Қаҳрамони

Сайдали Раҳмонов ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони томонидан мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар хизмат фаолиятини самарали олиб бориши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиладигани таъкидланди.

Шундан сўнг, Мудофаа вазири мазкур бинони куриш ва таъмирлаш ишларида яқиндан кўмак берган ОКМК раҳбариятига миннатдорчилик билдириб, ҳарбий қисм шахсий таркиби учун янги хизмат автомобиллари қалитларини топширди.

Янги ўқув биносида ҳарбий хизматчилар учун ҳамма шарт-шароитлар яратилгани қувонарли.

Олмалик кон-металлургия комбинатида амалга оширилган “Ёшлик-1 конини ўзлаштириш” инвестициявий лойиҳаси доирасида 3-Мис бойитиш фабрикасининг ишга туширилиши муносабати билан қўриқлаш хизматини кенгайтириш ва ҳарбий хизматчилар малакасини оширишга муносиб шароит яратиш мақсадида қурилган мазкур уч қаватли бино 120 ўринга мўлжалланган. Ундаги 50 га яқин хоналарда жанговар ҳамда маънавий-маърифий тайёргарлик синфлари, кутубхона, АТ хонаси ҳамда хизмат хоналари замон талаблари асосида ташкил этилиб, энг сўнгги жиҳозлар билан таъминланган.

Бинонинг ён қисмида 20 та махсус ҳарбий техникага мўлжалланган ёпиқ автотураргоҳ ҳам барпо этилди.

Эътиборлиси, мазкур бинонинг лойиҳа ва қурилиш ишлари комбинат таркибий бўлинмалари томонидан амалга оширилди.

ОКМК матбуот хизмати.

ТҮЙ — НАМОЙИШ ЭМАС, БАЛКИ ХУҚУҚИЙ ВА АХЛОҚИЙ КЕЛИШУВДИР



Шарифа САЛИМОВА:



1-6. — Азиз муштарий! Биз тўйларимиз ҳақидаги ўтган йилги “давра суҳбатимиз”да қатор олимларимизнинг фикр-мулоҳазаларини сизлар билан ўртоқлашган эдик. Аслида, тўй орзуси дунёга келган ҳар бир гўдак билан бирга туғилади, у билан бирга ўсади, камолга етади. Ота-она топланини тўйга сарфламоқ орзусида тер тўқади. Ва ниҳоят... Кумушбиби мисол париваш қиз “остонаси тиллодан” уйга “Ёр-ёр” садолари остида илк бор латиф қадамларини қўяди. Уни ҳаёлдаги Отабегу кутади. Ота-она эса енгилгина нафас олади: “Худога шуқур, болаларимнинг бахтини кўриш насиб этди!” Бирок... ҳаёл бошқа, ҳаёт бошқа. Демак, давра суҳбатимиз яна тўйларимиз ҳақида...

Дилбар ҒУЛОМОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси:

— Донишманд халқимиз асрлар оша муқаддас оила қураётган ёшларга доимо “Тўй устига тўй бўлсин, босган изларинг гўл бўлсин”, деб дуо бериб келган. 3000 йиллик тарихимизнинг ўз тўйлари бор. Бугун Президентимиз бошлаб берган янги давр — Янги Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган ислохотлар замирида ҳам ҳар бир инсон учун зарур бўлган бахт тушунчаси, инсон қадрини улуғлаш, унинг қонуний манфаатларини таъминлаш масаласи устувор вазифа бўлиб турибди.

Мамлакат ҳаётида юз бераётган ҳар қандай ўзгариш, амалга оширилаётган ислохотлар, аввало, оилада намоён бўлади. Шу боис ҳам оилаларда тинчлик ва оқилоллик, соғлом муҳит, муътадилликни таъминлаш олдимизда турган энг муҳим вазифалардандир. Зеро, аҳил ва муҳим оила — юрт таянчи, унинг ишончи, келажаги, миллат шарафини юксакларга қўйиладиган меҳр-мурувват ва маънавият ўчоғи ҳисобланади. Оиламиз тинч бўлса, жамиятимиз оқилоллик, фаровон бўлади, фарзандларимиз эса тўла-тўқис маънавий-руҳий муҳитда вояга етади.

Шу ўринда жамият тараққиётида маънавий баркамол ва жисмонан соғлом авлодини тарбиялашда оиланинг ўрни муҳим эканини ҳисобга олиб, оилага тааллуқли бой ва сермизмун миллий анъаналарни авайлаб асраш, уларни умумлаштираш қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан оилаларни мустаҳкамлаш ҳар бир инсоннинг вазифаси, деб биламан.

Замонавий ёшларни оилавий ҳаётга мақсадли тайёрлаш тақозо этилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг



2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2023 йил 21 декабрдаги “Оила ва хотин-қизлар қўлланмаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2023 йил 21 декабрдаги “Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизлар фаолиятини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Бирок ҳукуматимиз томонидан ҳар томонлама ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий имкониятлар яратилиб берилишига қарамадсан, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашдаги дунёга келаётган мавжуд муаммолар бундан юз йиллар аввал ҳам миллат зиёлиларини жиддий ташвишга солиб, бонг уришларига сабаб бўлган

бидъат қолдиқлари ҳамон тараққиёт йўлидаги улкан ғовлар эканлигини эслатиб турибди.

Қутлибека РАХИМБОВЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира:



— Чиндан ҳам тўй дегани кимларгадир йиллар давомида берган тўёнларни йиғиб олиш мақсадида ташкил қилинган анжуман эмас. Тўй — йиллар давомида кўни-кўшни, қариндош-уруғларнинг дастурхондан еб-ичмишларни қайтариш учун уюштирилган йиғин ҳам эмас. Ўғил-қизлар тақдирини боғлашда кўпнинг дуосини олиш мақсадида режалаштирилган иш ҳам эмас (гарчи буларнинг ҳаммаси тўйнинг таркибида бўлса ҳам).

Тўйнинг таърифи, мазмун-моҳияти бу саналганларнинг ҳаммасидан улғуроқ, мукташамроқ, тўй миллатимизнинг аср-асрлардан буён даврларнинг баланд-пастликларида тобланиб келаётган руҳиятининг бир суварти, бир жонли шакли. Хотираларимиз учун нечоғлиқ қадрили бўлмасин, биз кечаги тўйларни кам-чиким, файзли деб алқаб, бугунги тўйларнинг устидан чиқиқ тортмоқчи эмасмиз. Биз истаймизми-истамаймизми, ҳар миллатнинг бугунда бугунги ботиний ҳаёти ақсанади. Шу маънода бугунги тўйларнинг ҳам замонасига яраша қувонтирадиган жиҳатлари бор. Авваллари ҳовлиларда ўтадиган тўйларда меҳмонларнинг қўл-оёғи тинмасди. Хизматдан тинкаси қурирди. Орзулаган йиғинда орқаси ер искамганлари қанча! “Бир чўқим ош емабман”, деганлари қанча бўларди. Ҳозир шаҳарлар туғул, қишлоқларда ҳам тўйлар тўйхоналарда ўтади. Жой ташвиши, идиш-товоқ ташвиши йўқ. Яқин-яқинларгача тўй эгаси қариндошларга дастурхон тузаш учун “солик” соларди. Кимдир сомса, кимдир патир ташвиши бўларди.

“Кўпга қиялпман, қандоқ чиқаркан?” — деб ўзимизнинг ҳам ҳадик ичида уринган пайтларимиз бўлган. Ҳозир пул бўлса, жангалда шўрва. Истаган таому пишириқлар муҳайё. Меҳмон ҳам атаганини чўнтағида қўтариб, енгилгина бораверади. Хонанда ташвиши ҳам йўқ. Истаганинча ҳофизу ҳофизалар хизматга шай. Шундай экан, нега тўйлар борасида тез-тез фикрлашадиган бўлиб қолдик? Ҳатто бу масала давлатимиз сиёсатининг марказигача чиқди. Чунки биз... Биз десам, хато бўлар-ку-я, миллатимизнинг айрим қисмларининг ҳаёти фақат тўйга боғланиб қолди. Гўё бу жаҳон майдонида бошқа биз учун муҳим масала қолмагандек, “Ўғлимни уйлантиришим керак, қизимни чиқаришим керак. Мунча сеп қилишим керак, мунча одамга манови тўйхонада ҳаммамнинг оғзини ланг очиб қўядиган тўй қилишим керак”, деган мақсадларга боғланиб қолдик. Айнан ана шу мақсадлар “фарзандимга касб-хунаму ўргатишим зарур, ўқитишим керак. Келажақда ўз оиласининг ташвишини ўзи гарданига олиши керак, ҳаётда ўрнини топиши керак”, деган зарурий масалаларга соя солди. Ва яна айнан шунинг учун ҳам ўрта мактабни аранг тугатган ўғил-қизларимиз тирикчилик ваҳидан дунёнинг тўрт тарафларига сочилиб кетди. Ҳатто уларнинг мардиқорликда, қора ишларда топланган маблағларининг бир чеккаси ҳам тўйларга келиб туташа бошлади.

Шунинг учун ҳам халқимизнинг зиёли қисмидан бошлаб то халқ тақдирига масъул шахсларгача — ҳаммамиз тўйлар ҳақида жиддийроқ мулоҳаза юрита бошладик.

Дилбар ҒУЛОМОВА:

— Мени, айниқса, тўй-ҳашамлардаги исроф қаттиқ ташвишга солади. Ҳамма нарсанинг уволи бор. Халқимиз “Нимани ҳор қилсанг, шунга зор бўласан”, деб беҳиз айтмаган. Исроф қилиш ўрнига ёлғиз кексалар, ночор оилаларга ёрдам бериш, ўқув-шартнома пулини тўлаётган фарзандларнинг бошини силаш, кутубхоналар қуриш, қарзга кириб қолган бир мўминга ёрдам бериш савоблигини қачон англаб етамиз? Тан олишимиз керакки, тўй-маросимлардаги исрофгарчилик, бидъат ва хурофотлар қўллаб оилаларнинг бузилиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Инсон Аллоҳ берган ризқни исроф қилиши, илмга йўналтирмаслиги худди кундуз кунни шам ёқиб, йўлда кетаётган сўкирга ўхшайди.

Шарифа САЛИМОВА:

— Шу ўринда улғу маърифатпарвар Махмудхўжа Бехбудийнинг 110 йиллар аввал “Ойна” журналнинг 1914 йилги 21-сонида эълон қилинган “Ёшларга муҳожаат” мақола-сидида ёниқ хитоби ёдга тушади: “...Ҳамватанларимиз мулкни сотиб тўй қилганидек, сиз-да, ҳатто, лозим бўлганда мулкнингизни сотсангиз-да ўғлингизни замонача ўқумоқига саъй қилсангиз. Тўйга исроф қилинган оқчаларни

ўқумоқ йўлига сарф қилсангиз!..” Бу башорат эдими ёки миллатни огоҳлантириш?

Мунаввара УСМОНОВА,
Саодат” журнали бош муҳаррири,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира:



— Шу ўринда бир воқеани айтиб берай. Яқин бир танишимиз қиз узатди. Ҳамма ташвиш тўй арафасида бошланди. Ўзи айтган вақтга тўй кунини белгиланган йиғитнинг онаси бўлажак қудаларидан ҳол сўраган бўлиб, келин тушадиган уйларнинг ўлчамини олганлигини айтиб, бозорда жиҳозларни бирга танлашганида, қиз томон тўёнаю барча йиғиб-терганини жамлаганда ҳам танланган жиҳозларнинг ярмига етмаслиги аён бўлган. Оловланган эр: “Ҳеч қанақа тўй бўлмайди, фотиҳани бузамиз. Унга келин эмас, жиҳоз керак экан. Бирор бойнинг қизини келин қила қолсин. Қиз боқиб, балогатга етказиб, илму хунар ўргатиб, ҳаётга тайёрлаб: “Олиб кетаверинг, болам энди сизники”, деб қўлига тутқазар эканмиз-у, яна бизга шартли бор эканми? Эртагаёқ лаш-пушларини қайтариб юбор, орамизда ҳеч нарса қолмаслиги керак. Ўзимизга ўхшаган оддий одамлар топилиб қолар”, — дейди.

Аёл унга ёлвориб: “Фотиҳаси қайтган қиз номини оладими, دادаси? Кейин эшикдан биров сўраб келмайди-ку! Бўй етиб турган бир эмас, икки синглисининг тақдирини нима бўлади?”

Шунда эр-хотин юз ўй, минг андиша билан яшаб турган уйларини сотувга қўйишади. Қайнонасининг кўнглидагидек сарполар билан кириб борган келинчақ ўз бахтидан масрур эди. Аммо...

Кунлар кетидан кунлар ўтиб, қизининг ой-куни яқинлашиб бораётгани сари онанинг кўнглидаги ғашлик ортиб борарди. Бир томони ранглири сарғайиб, ҳолисизланиб, озиб-тўзиб кетган қизининг соғлиғидан хавотир олса, бир томони...

Ёмон туш қўриб, чўчиб уйғонган аёл сим қоқиб, қизидан ҳол-аҳвол сўради. “Ойи, аҳволим яхши эмас. Қоним кам, қон босимим кўтарилиб, юрагим тинмай ўйнайди. Кеча текширувдан ўтдим, “давоиланишга ётинг”, дейишди. Аммо ойи-жон рухсат бермайлларини”, — деди. “Ўзим бориб, уйингдайлардан рухсат оламан, харажатларини ўзимиз тўлаймиз”, деганига қизгина кўнмади.

УЗИ текширувидан сўнг ҳомила ўғил экан, дейилганини эшитган қайнона келинчақка: “Келинпошша, уйингиздагиларга айтинг, барибир етти кунда ақика қилиб қўй сўйилади. Онанинг без-олшти хотини бошлаб келса, мен ҳам икки овора бўлмай, гапимдаги ўлфатларимни қақриб оламан. Барибир бир камингизни қилишади, каттароқ телевизор олишса, залга қўйиб, ярашигини қилиб қўярдим. Кераксиз буюм олиб қўйишмасидан эртароқ айтсангиз, харақатини қилишади”, — деди.

Келинчақ уйидагиларга айтишга ботинмади. “Турмуш дегани ёшгина жонга жазо дегани экан, ўша пайтда ажрашиб кетсам бўларкан. Оилам яхши бўлиши учун шунча сарф-харажат қилиб ўтирган ота-онам учун синглиларим, укамни ўқитиб, уйли-жоили қилиш ҳам катта муаммо. Энди нима бўлади?” деган сўзлар айланарди ҳаёлида.

Ҳамма нарса тахт. Ҳали туғилмаган чақалоққа олинган қийимлар орасида мактаб ёшига етганида қийса бўладиганиям бор. Қуёв, қуданда дегандек, ҳаммасига аталган сарполар туғунларга жойланган, фақат туну кун яхши хабар қутулишди. Ҳомиладор келинчақнинг эса кундан-кунга ранги заъфарон тус олиб, ҳоли абгор бўлиб борарди...

Дармонсизликдан силласи қуриб қолса ҳам уйидагиларга лом-нима демайди. У ота-онасининг хурмати, чеккан заҳмати учун ҳам шу оилада яшаш, барчасига қўниши, чидаши керак эди... Ярим тунда эшик кўнғирогидан чўчиб уйғонган онанинг юраги ҳаприди. Эшик ёнида қўзларни йиғидан қизарган қуёви титраб турарди. “Вой, келинг, болам, нима гап? Нега хафасиз? Чақалоққа бирор гап бўлдимми-а? Ҳозир юрагим ёрилиб кетади, гапиринг...”

Қуёвнинг: “Қизингиз жонлантириш бўлимида...” — деган хабари онани ҳушидан айирарэзди...

буюм ташвишида бозорма-бозор югурсак, бу нима деган гап?

Шарифа САЛИМОВА:

— Юқоридаги воқеа Абдулла Қодирийнинг “Бахтсиз қуёв” драмасида тўй қиламан, деб катта қарз олган Солихнинг фожиавий тақдирини билан ўйлашиб кетган. Мана, юз йилдан сўнг эр-хотин фарзандини бахтли қилиш учун тайёр уй-жойини сотди. Илмдан узок, қирбли, бидъат босимини ҳақиқат деб билган кимсаларга гулдек қизининг ҳаётини топширди ва жувонмарг қилди. “Бахтсиз қуёв”да ҳам фожа сабаби эллиқбошининг сўзларида ўз ифодасини топан: “Ушал вақтда мен сизга айтдим, бекор исроф қилманг, қуёвингиздан қўп оқча сўраманг, юртқа обрў қиламан деб, ош-нон беруб, Худо ва расулининг буйруғидан чиқманг, дедим. Сиз менинг сўзимни қулоққа олмадингиз ва шариатга бўйсунмадингиз ва мени бообрў қилдингиз, мана, қуёвингиз қарздор бўлган экан, мулк-ашёдан ва ширин жондан ажрабдур. Сиз ҳам жонингиздан ширин қизингиздан ажралдингиз”.

Шоҳистахон ЎЛЖАЕВА,
тарих фанлари доктори, профессор:



— Аслида, халқимиз тўйлари қадимдан маънавий бойлик, жамоавийлик ва камхаржлик асосида ўтказилган. Тўйлар уруғлар ва оилалар ўртасидаги ижтимоий келишув вазифасини бажарган. Никоҳ ва тўй орқали оилаларнинг алоқаси мустаҳкамланиб, маҳалла ва қўни-қўнлилар орасида баҳамжиҳатлик юзага келган. Барча маросимлар маҳалла жамоаси билан бирга амалга оширилган. Оила ва маҳалла оқсоқоллари тўйдаги барча масалаларни келишиб, адолатли ва ҳамма учун манфаатли қарорлар қабул қилган. Бу жараён халқимизда шарқона демократия белгиси сифатида қаралган: ҳар бир қарор яқна шахс ёки бойнинг хоҳиши билан эмас, балки жамоа фикри ва анъанаси асосида қабул қилинган. Қадимги Хоразм, Бактрия ва Даван давлатларида тўйлар нафақат икки ёшнинг иттифоқи, балки уруғлар ва оилалар ўртасидаги ижтимоий келишув сифатида ҳам аҳамиятга эга бўлган. Никоҳ ва тўй масаласида ота-оналар ва оила оқсоқолларининг розилиги ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Қуёв томонидан қизга берилган қалин никоҳнинг муқаддаслигини ва оилавий келишувини белгиланган. Барча ишлар тўлиқ жамоавий келишув ва қўл меҳнати билан амалга оширилган. Маслаҳат оши — тўй олдида барча харажатлар, неча киши тўйга айтилиши-у, тўйни қандай ўтказиш кенгашиб олинган. Инсоният тарихини никоҳ институтисиз тасаввур этиб бўлмайди. Никоҳ — бу фақат икки ёшнинг оила қуриши эмас, балки жамиятда инсон қадри, аёл шаъни, масъулият ва ҳуқуқий маданият қай даражада эканлигини кўрсатувчи мезондир. Қадимги манбаларга назар ташласак, бу масала бугунгидан кам эмас, балки айрим жиҳатларда ота-боболаримиз биздан кўра анча пухта ва инсоний ечим топланини кўрамыз.

Сўғдача никоҳ шартномаси орқали биз давлат, жамият ва шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини, оила ҳуқуқи, оила муносабатлари ва қадриятларини тушуниб оламиз. Сўғдача никоҳ гувоҳномасида инсон қадри ва оилавий ҳуқуқлар аниқ белгилаб берилган. Сўғда давлати ҳуқуқий маданиятида никоҳ оддий оилавий маросим эмас, балки икки томоннинг ҳуқуқ ва бурчларини аниқ белгилаб берувчи расмий шартнома сифатида қаралган. Буни сўғдача никоҳ гувоҳномасининг мазмуну ақлоқ тасдиқлайди. Ушбу ҳужжатда инсон қадри, айниқса, аёлнинг ҳуқуқий ва ижтимоий мавқеи юксак даражада эътироф этилган.

Ҳақиқатан ҳам, халқимиз тўйлари нафақат маънавий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам жамоавийликни кўрсатган. Бугунги кунда эса тўйлар кўпинча дабдабали ва катта харажатлар билан ўтказилмоқда.

Аслида инсон озгина таом билан тўяди, оддий уйда ҳам яшаб ўлғайди. Бугун оилавий кундалик харажатлар қолиб, катта-катта ақлга сирмас даражадаги дабдабаларга берилиб кетмоқда. Шу маънода қўлчилик кредит билан тўй қиялти ва уни тўлай олмади, қон босими ошяпти. Бизнинг мамлакатда инсон қадри олий қадрият деб эълон қилинди. Инсонга умрни Аллоҳ берган. Уни хафа қилиш, кенг дунёни қўзига торайтириб қўйиш бизнинг демократик жамиятда тўғрими? Бугун тўйни орзу-ҳавас деб

ортиқча дабдабага айлантираётган, тушунчалари тор, қирбли, кунда янги-янги нарсалар уйлаб топадиган кимсаларнинг нағмаларига уйнаш мутлақо мумкин эмас!

Илгари тўйлар миллий қадриятлар, жамоавийлик ва хурсандчилик бешиги бўлган. Ҳар бир таом, ҳар бир қадам халқимизнинг маънавий бойлигини, меҳнат ва ихлосини акс эттирган. Бугунги кунда эса ортиқча харажатлар ва дабдаба қўлгичи инсонларни ташвишга солмоқда. Шу боис уларни қисқартириб, камхарж қилиш долзарб масалала айланди. Ёшларга ҳамма нарсаларни қилиб бериш шарт эмас. Ҳаёти учун керакли бўлган қимматбаҳо нарсаларни ёшлар ўзлари ишлаб топсин, меҳнат қилсин, керак бўлса, бизга ўхшаб моддий қийинчиликлар синовидан ўтсин. Ҳалолликни, меҳнат қилишни, сабрни, адолатни, инсонийликни ўргатсин. Биз катталар ёшларда баъзан учрайдиган камчиликлар учун масъулмиз. Агар биз тўйларни дабдабозликдан кироқ тарзда ўтказишга қайтсак, давлат ва жамиятни қийнаб келаётган ярим муаммолар ечилиши мумкин.

Шарифа САЛИМОВА:

— Ортиқча исрофгарчилик, миллий қадриятлардан узоқлашиш, шунча имкониятга қарамай, турли бидъатларни уйлаб топиш ва урфга киргизишга барҳам бериш учун ҳаммамизга бериладиган савол: шахсан биз бугун нималардан воз кечишни истаган бўлардик?

Қутлибека РАХИМБОВЕВА:

— Шахсан мен бугун нималардан воз кечишни истаган бўлардим?

Айрим вилоятларимизда ҳали ҳам “тўй столида ароқни оқишиш” обрў ҳисобланади. Дунёдаги талотўплар, бир миллат орасидаги тушунмовчиликлар одамзодни ақлдан оздирди деб турган бир пайтда сархуш қилувчи иччимлик ичиб, ақлдан озиш ғирт нодонлик эмасми? Ичганининг ҳам кучи кетади, ҳам ақли. Замон олдимизга қўяётган мақсадлар ҳар доимидан ўн чандон ақли бўлишни талаб қилиб турган замонда пул тўлаб ақлни йўқотиш...

Тўйлар фонограмма ашулаларга рақс тушиладиган дискотекага айланди. Ўртада жазавога тушиб ўйнаётган оломонга қараб, баъзан ваҳима тушасан. Шовқин-сурон... Ашуланинг бирор сўзини тушунмайсан, эшитмайсан... Гурс-гурс эса қўлнингга тепади... “Кўнгли ўлдимики буларнинг?” дейсан. “Дилхироқ”га қулочини кенг ёзиб рақс тушадиган сервасз ажоднинг авлодларини шулар ростдан?” дейсан...

Аваллари бир-иккита бўлсам ўртада табрик айтиларди. Кўпни қўрганлар ёшларга икки оғизгина насихат қиларди. “Тўй мажлис эмас”, деб табрикларга ҳам барҳам берилди. Майли, ўйин-кулги бўлсин, аммо ўзимизга ярашқили бўлсин. “Қуралай, қўзи қуралай, ҳали бераман додингни”, деган ҳаёлибосларини ечиб ташлаган ашулга ҳам ўйнайдими аёл киши?... Ҳозир “исломий тўй” деган яна бир тўй шакли амалда. Ҳеч қим ҳеч қимнинг эътиқодида дахл қиллолмайди. Жамиятимиз демократияга қараб кетаётган экан, эътиқод масаласи ихтиёри. Аммо бундай шаклдаги тўйларда бутунлай ўйин-кулгидан воз кечиш, менимча, у қадар тўғри эмас. Айниқса, никоҳ тўйларига ёшлар ҳаётида бир марта бўладиган ҳодисани аздадек жим ўтириб, еб-ичи билан ўтказиш уларнинг унутулмас лаҳзаларига нисбатан ҳурматсизлиқдиги қўринадиган менга. Баъзи вилоятларимизда ҳали ҳам ФХД бўлимида никоҳдан ўтилган, йўлда машиналар пойгаси қилиш, машина қапотти устида шампань шишаларини уриштириб ичиш каби ноқероқ одатлар сақланиб қолган.

Тўйдан аввал севги ихзор қилиш маросимининг турли-туман шакллари пайдо бўлганлиги, бу маблаг билан боғлиқ янгиликлар, эҳтиمول, қўли узунроқ оилалар учун билинмаётгандир. Лекин эллаб-сеплаб тўй қилаётган оилаларга юк бўлиб тушаётгани сир эмас. Тоғларга бориб, осма қўприкда севги ихзор қилиш, Туркияга бориб, кемада муҳаббатини айтиш... Буларни кўргач, бундайроқ оиланинг йиғитлари ҳам чиранади, қизларнинг олдида паст кетгиси келмайди. Ана қару, мана қару...

Хуллас, сўзликларимизда “меъёр” деган чиройли бир сўз бор. Ҳар бир миллатни ҳаётда миллат сифатида тўйлар қурайдиган меъёрлар бор. Унутганларга шу кўнларда турли воситалар билан такор-такор уқтириляпти. Ҳар қандай меъёрсизлик кишини хунук қўрсатганидек, миллатнинг ҳам ҳуснига соя солади. Эҳтимол, қайсидир бир истагмалар нарсалардан воз кечиш инсоннинг ўз қўлида эмасдир, аммо тўйлар билан боғлиқ нохушлиқлардан воз кечиш ўз қўлида. Бу ишни ўзимизни бир силкитиб, қилсак бўлади. Шундай экан, қийинчилик билан топан маблағларимизни аждаҳодай еб ётган, миллат сифатида яна ҳам юксалишимизга тўсиқ бўлаётган иллатлардан кечайлик. Бир мартага кечиб қўрайлик, фойдасини ана ўшанда кўрамыз.

Шарифа САЛИМОВА:

— Статистик маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда бир йилда ўртача 300 минг атрофида тўйлар ўтказилиб, уларнинг умумий сарф-харажати қарийб 3 миллиард АҚШ долларини ташкил этмоқда. Бу қай бир кичикроқ давлатнинг бюджетни дегани. Айнан мана шу харажатларнинг тахминан 20 фоизи давлат ҳазинасига солиқлар орқали тушар экан. Хулоса ўзингиздан.

Шарифа САЛИМОВА ёниб олди.



1-6

Яна бир жиҳати, айниқса, ибратли: худди шу инсон бир пайтлар Украинага ҳужум қилиш — жиноят ва ҳалокатга олиб борувчи йўл эканини очик гапирган эди. Бугун эса ўша “жиноят” ҳеч иккиланмасдан “зарурат” деб қайта ёзилмоқда. Тушунтиришга ҳожати қолмаган пропаганда ана шундай ишлайди: у ўз хотирасини ўчиради ва томошабиндан ҳам шунга қўшилишни талаб қилади.

Албатта, Соловьёв шунчаки булбул каби сайраб, баланд овозда, жозибали, лекин ҳар доим ҳам сўзининг оқибати учун жавоб бермайди, деб айтиш мумкин. Ва жуда ҳам умид қилишни истаймизки, бу Россия олий раҳбария-

ТОРМОЗСИЗ ПРОПАГААНДА

ёхуд Соловьёвга жавоб

тининг расмий позицияси эмас, балки студия ички аудиториясига таъсир қилишга қаратилган навбатдаги пропагандистик чиқишдир. Аммо тарих кўп бор шундан далолат берадики, бундай “якка-хон чиқишлар” камдан-кам ҳолларда фақат сўз бўлиб қолган.

Безиж эмаски, Лао Цзы ҳали милoddан аввалги VI асрдаёқ огоҳлантирган: “Фикрларингизга эътибор беринг — чунки улар ҳаракатларингизнинг бошланишидир”.

Катта сиёсатда овоз чиқариб айтилган фикр — энди фалсафа эмас. Бу — амалга оширилиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг репетициясидир.

Бу энди на баҳс, на таҳлил. Бу — урушни сиёсатнинг мақбул воқисиси сифатида нормаллаштиришдир. Украина — прецедентга

айланди, Марказий Осиё — овоз чиқариб айтилган хаёлар объект, “таъсир доираси” эса хавфсизлик ҳақидаги сўзлар ортига яширилган ҳар қандай зўравонликни оқлаш учун универсал баҳонага айланмоқда.

Экран орқали “ҳар қандай ҳалқаро ҳуқуққа тупурамиз” деб айтилганда, гап риторика ҳақида кетмаяпти. Гап — ният ҳақида. Тарих бундай баёнотларни ҳиссиёт сифатида эмас, балки далил сифатида қайд этади. Ва ҳар сафар унинг охири бир хил бўлади — эфирдаги алжираш билан оқлаб бўлмайдиган оқибатлар билан.

Бу мантининг давоми очик-ойдин ва шу боис, айниқса, хавфли. Агар ҳалқаро ҳуқуқ “мажбурий эмас” деб эълон қилинса, суверенитет эса шартли тушунчага ай-

ланса, пропаганда чизиб берган дунёда на иттифоқчилар, на келишувлар, на кафолатлар қолади. Фақат кучли томоннинг ҳуқуқи қолади — у эса “хавфсизлик” деб қайта номланади.

Бундай манзарада давлатлар субъект бўлишдан тўхтади — улар жорий телевизион “далиллар”га қараб сурилиши, ўчирилиши ёки ўзлаштирилиши мумкин бўлган харита бўлақларига айланади. Бугун бу сўз билан айтилади, эртага — сиёсий тилда мустаҳкамланади, индинга — амалий ҳаракатга айланади. Сўзлар айнан шу тарзда оддий сўз бўлмай, механизмга айланади.

Тарих бу йўлдан олдин ҳам ўтган. Аввал — риторикада ўзбошимчиликка руҳсат берилди. Кейин — зўравонлиқни изоҳлашга ўрганилади. Ва фақат охирида

— “нега ҳеч ким тушунмади?” ва “нега ҳамма қарши чиқди?” деган ҳайрат пайдо бўлади. Пропаганда ҳар доим оқибатларни кечаги баёнотлар каби осонликча бекор қилиш мумкин, деб ўйлайди. Аммо реал ҳаёт бундай ишламайди.

XXI асрда урушни расман эълон қилиш шарт эмас. Уни одатий ҳолга айлантириш ўзи етарли. Бир неча бор “бизга мумкин”, “шундай бўлиши керак”, “бошқа илож йўқ” деб айтиш кифоя. Овертон туйнуги айнан шундай ишлайди: кеча — ақлга сиғмайдиган, бугун — муҳокама қилинадиган, эртага — мақбул, индинга — амалга ошириладиган. Шунинг учун бундай эфирлар мазмуни билан эмас, функцияси билан хавфли — улар мумкин бўлган чегараларни суриб, жамиятни навбатдаги қадамга тайёрлайди.



Бу ерда савол энди бир телевидение бошловчисига эмас. Савол — бундай формуларларни қабул қилиб бўларли деб ҳисоблаётганларга. Чунки ҳар сафар тажовузу сўз билан оқланса, у амалиётга яқинлашади. Ҳар сафар ҳуқуқ тўсиқ деб эълон қилинса, дунё навбатдаги фожиага яна бир қадам яқинлашади — у эса кейин яна “мажбурий” деб аталади.

Тарих, пропагандадан фарқли ўлароқ, ҳеч нарсани унутмайди. У шунчаки айтилган сўзлар онгли равишда қилинган танловнинг етарли далилига айланишини кутган ҳолда сабр қилади.

Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА,
сиёсий фанлар доктори,
профессор.

1-6

Зотан, ўзининг ижод маҳсулига эътиборли одам ўзгалар ижодига ҳам масъулият билан ёндашади.

Энди айрим рақамларни келтирсам. “Алоҳида нашрлар”да йигирмата китоб саналган. Улардан бири 2025 йилда Техронда форс тилида босилган — “Дунёи ирфонийи Амир Алишер Навоий”. Дарсликлар, ўқув қўланмалар учта. Қомусда, турли илмий тўпламлар, журнал ва газеталарда босилган мақолаларни санаш учун билимдон бир ҳисобчи керак. У кишининг илмий раҳбарлигида саккизта докторлик, ўттизта номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Магистрларнинг сон-саногий йўқ.

Бу рўйхатни кўриб, ўйга толдим. Шунча нарсани ёзишга, ўқишга қачон улгурган? Улар илмий ишлар бўлса. Ёзишни-ку кўйиб турайлик, бир диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш ёки оппонент бўлиш учун неча саҳифани ўқиш керак? Яна шунчаки ўқилмайди, ютуғи-ю кам-қўсти аниқ мисоллар билан кўрсатилиши лозим. Нурбой домла фақат илмий-ижодий иш билан банд бўлмаган, газета ва журналлар таҳририятида, турли илмий даргоҳларда, олий таълим муассасаларида масъул лавозимларда ишлаган. 2017 йилдан буён Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида кафедра мудир. Бу ишлар қанча кўп вақт талаб этиши, вақт-ку, майли, асабларни зирқиратиши ва булар бIRON нарсa ёзиш тугул, ўйлаш, фикрлашга ҳам монелик қилиши барчага аён. Демак, Аллоҳ берган вақтни беҳуда ўтказмаса, ҳар бир кун эмас, ҳар соатдан унумли, ақл билан фойдаланса, кўп иш қилиш мумкин экан. Бунга Нурбой Жабборов фаолияти ёрқин мисол.

УЧ КИТОБ — УЧ ОЛАМ

Олимнинг учта китоби қўлимда: “Маърифат надир?”, “Замон. Мезон. Шеърят”, “Маоний аҳлининг соҳибқирони”.

Ушбу китобларнинг номиданоқ олим тафаккур дунёси нақадар кенг эканини аңлаш мумкин. Маърифат ҳақида кўп гапирармиз, ёзамиз. Аммо маърифат нима ўзи, бу сўзнинг луғавий маъносини биламизми? Очиги, бу саволларга гоҳида жўяли жавоб беролмай, умумий тушунчалардан нарига ўтмай қоламиз. Нурбой Жабборов мазкур китобида аниқ мисоллар орқали жавоб беришга ҳаракат қилган ва бунга муваффақ бўлган. Муаллиф ёзади: “Маърифат сўзининг луғавий маъноси — билиш, таниш, билим демакдир. Истилоҳий маъноси эса анча кенг”. Сўнгра улугъ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Авлодларингизга келар замон илмини ўргатинг! Зеро, улар сиз яшаган даврда эмас, ўзга замонда яшайди”, деган ҳикматли сўзларини келтиради. Дарҳақиқат, фарзандлари тақдирини ўйлаган, унга бефарқ бўлмаган ота-она бу гаплар мағзини қақшиш шарт. Зотан, бугун биз учун янгилик бўлган нарсалар — ҳамма соҳада — эртага эскиради, айниқса, бугунги шиддатли замонда. Ана шу нуқтаи назардан ёндашсак, муаллифнинг қуйидаги куюнишлари нақадар асосли ва ўринли эканига амин бўламиз. “Тили чиқмай туриб боласини тирикчилик ташвишларига жалб этаётган, илм-маърифатни эмас, қаллоблик билан бўлса-да, бирни икки қилишни, қонунга риоя этишни эмас, уни қандай четлаб ўтишни ўргатаётган айрим ота-оналардан нимани кутishi мумкин? Бундай бола ватанпарвар эмас, танпарвар бўлиб ўсиши муқаррар-ку!” Мен учун танпарвар сўзи янгилик туюлди. Зеро, бунинг замирида жуда теран маъномазмун мужжасам.

Муаллиф инсоният тараққиётининг илдизи ҳам, асоси ҳам илм эканини таъкидлайди, бунга тарихимиздан, бугунги кунимиздан мисоллар келтиради. Тилимизнинг бугунги аҳволи ҳақида олимнинг куйиниб

ёзганлари барчамизни ўйлашга мажбур қилади. Сўзнинг маъносини тушунмаслик, ноўрин ишлатиш каби қусурларга мисоллар келтиради. Афсуски, она тилимизга енгилелли қараш ҳоллари камаяпти. Бу нарсa матбуотда, турли нодавлат телеканалларда ҳам учраётгани ачинарли. Чунки одамлар, айниқса, ёшлар уларни ўқийди, кўради ва шундай деса бўлар экан, деган хулосага келади. Бунга бир-иккита мисол билан чекланаман. Ҳар бир одам ишдан уйга келган, кийимини алмаштириб олади. Баъзи сериалларда кийимини алаштириб олай, дейди. Дўкondан бирон буюм олсангиз-у у яроқсиз чиқса, дўкonga бориб, бу яроқсиз экан, яхши-сига алмаштириб беринг, дейсиз, алишти-

риб эмас. “Ҳозир” дейиш ўрнига “ҳозирда”, “ёки” ўрнига “ёкида” дейиш айб бўлмай қолди. Ўйлайманки, бу мисолларни шарҳлашга эҳтиёж йўқ. Иккинчи китоб “Замон. Мезон. Шеърят”. Номиданоқ китоб нима ҳақида экани кўри-ниб турибди. Уни варақлар эканман, Ўзбекистон Қаҳрамони, устоз мунаққид Озод Шарафиддиновнинг 1960-йилларда шов-шув бўлган “Замон. Қалб. Поэзия” китобини эсладим. Озод Шарафиддинов бу китобида ўша замоннинг энг машхур шоирлари ижодини таҳлил қилган. Китоб қўлма-қўл бўлиб кетгани эсимда. Очигини айтганда, бу китобни бугун ҳам синчиклаб ўқиган ижодкор кўп нарсa олади. Ўша пайтлар ёш олим бўлган Озод Шарафиддинов Ғафур Ғулoм, Ўй-ғун каби доврқили шоирларни ҳам аямаган. Энг ибратли томони, Ғафур Ғулoмнинг Ленин ҳақидаги шеърининг пўстагини қоққан. Эътибор икки жаҳонгир, совет замонида, Ленин “бутун дунё пролетарларининг доҳийси”, деб улуғланиб турган бир даврда Ўзбекистон халқ шоири, академик Ғафур Ғулoмнинг ана шу доҳий ҳақидаги шеъри аёвсиз танқид қилинган.

Нурбой Жабборов ҳам замонамизнинг энг машхур шоирларидан тортиб эндигина адабиёт оламига кириб келаётган ёшларнинг шеърларини таҳлил қилади. Ютуқларини ҳам, нуқсонларини ҳам очик-ойдин айтади. Атоқли шоирлар ижодини намуна қилиб кўрсатади, ёшлар шеърларидаги сакталиклар, саёз мисраларни одоб билан танқид қилади. Китобда менга энг маъқул жиҳатлардан бири — олим бугунги шоирларимиз ижодини мумтоз шоирларимиз ижоди билан қиёсий таҳлил қилади. Масалан, “Шеър аҳлининг икки жаҳонгир” мақоласида Алишер Навоий ва Абдулла Орипов ижоди ўрганилган. Абдулла Ориповнинг ҳазрат ижодидан таъсирланиб ёзган шеърлари, Навоий ғазалларига боғлаган муҳаммаслари ҳақида тўқинланиб ёзади.

Навбатдаги китоб “Маоний аҳлининг соҳибқирони” деган монография. Бу китоб тўпалигича Алишер Навоий ижодига бағишланган. Шуни алоҳида таъкидлашни

истардимки, мен кўрган, суҳбатлашган, китобларини ўқиганим навоийшунослар, хусусан, бугунги кундаги навоийшунослар орасида Нурбой домланинг алоҳида ўрни бор, макеи бор. Ўзим кўп гувоҳ бўлганман, у киши наинки илмий доираларда, ўзаро гурунглarda ҳам ҳазрат асарларидан иқтибослар келтиради. Гап фақат иқтибос келтиришда эмас. Зиёлиман деган ҳар ким ҳам Навоий ғазаллариданми, дostonлариданми икки-уч мисрани айтиб юриши мумкин. Бу билан у Навоийни билади, ўқиган, деб бўлмайди. Чунки Навоийни ўқиш, айниқса, ўқиш оддий иш, оддий китобхонлик эмас. Ҳатто дунёга машхур романларни ўқиш билан Навоийни ўқиш ўртасида жуда катта фарқ бор.

НУРБОЙ ИНСОН, ЗУККО ОЛИМ



Зотан, Навоийни ўқиш, ўқиш учун чуқур билим, даража керак.

Шу ўринда бир воқеа эсимга тушди. Ҳали совет замонида Тошкентда ўтган қандайдир адабий тадбирга Расул Ҳамзатов ҳам келади. Қайсидир газета ёки телевидение мухбири Расул Ҳамзатовдан Алишер Навоий ҳақида ўз фикрини билдиришни сўрайди. Шунда машхур шоир қуйидагича жавоб берган экан: “Алишер Навоий ҳақида ҳозир гапиролмайман, чунки таҳоратим йўқ. Навоий тўғрисида таҳоратсиз гапириш мумкин эмас”.

Нурбой домланинг табиатини, феъл-атворини, тутумини унча-мунча биладиган қадрдони сифатида айта оламани, у киши Навоий ҳазратларига чин дилдан ихлос, эътиқод қўйган. Навоийдан иқтибослар келтиришда мактаниш, билимини кўз-кўз қилиш нияти бўлмайди. Йўқ, ҳазрат асарлари оламида сузиб юргани учун, бу ижод уммонидан доимо баҳраманд бўлиб туриш истаги кучли бўлгани сабабли бот-бот мисоллар келтиради. Дарвоқе, Алишер Навоий ижоди чексиз бир уммондирки, шу пайтгача қайси навоийшунос қанча сув ола билди — ёлғиз Аллоҳга аён. Шу маънода ҳазрат ижодий меросини батафсил ўрганиш, ундан тўла баҳраманд бўлиш учун ҳали кўп иш қилиш керак. Нурбой Жабборов ушбу бетим-сол маънавий ҳазинадан анча самарали фойдаланган олимлардан. Бу фикрга унинг

“Маоний аҳлининг соҳибқирони” китоби далил бўла олади. Ишонганлар ҳам, ишонмаганлар ҳам китобни ўқиб кўрсин.

Камина зукко олим Нурбой Жабборовнинг учта китоби бўйича жуда мухтасар фикр юритдим. Зеро, менинг ниятим ҳам, вазифам ҳам бу китобларни таҳлил қилиш эмас. Менинг бу ўриндаги мақсадим Нурбой Жабборов фикр ва билим доираси, тадқиқот объекти нақадар кенг эканига эътибор қаратиш, холос. Бинобарин, маърифат нима эканини содда тилда, аниқ мисоллар билан тушунтириб бериш, бугунги шеърятимиз ютуқлари-ю нуқсонларини теран таҳлил қилиш, улугъ Алишер Навоий ижод оламига киришга журъат этиш... Булар айтишга осон,

қиламиз. Ана шу ҳамкорларимиз орасида энг батартиб, ваъдасини вақтида бажарадиган муаллифларимиздан бири Нурбой Жабборов. Олимнинг бир неча мақолалари журналимизда босилган. Жумладан, юқорида тилга олинган “Маоний аҳлининг соҳибқирони” китобидан жой олган “Алишер Навоий ва Абдулла Орипов” мақоласи камина ходимингиз таклифи бўйича ёзилган ва “Гулистон”да эълон қилинган.

2024 йилда эсёларни жамлаб, бир китоб туздим. Шунда бир фикр келди хаёлимга. Китобга сўзбоши керакдай туюлаверди. Эсёлар ўтган адаблар, санъаткорлар ва бугун фаол ижод қилаётган баъзи ёзувчилар ҳақида. Кимга айтишни узоқ ўйладим... Ва юрак ютиб Нурбой Жабборовга кўнгирак қилдим. У киши ҳеч иккиланмай “Бажонидил” деди. Орадан кўп ўтмай гўзал бир сўзбоши (каттагина мақола) ёзиб берди. Нияти тоза, “ўзи поку, сўзи пок” (Навоий) одам кўп урган иш хайрли бўлади. Нурбой домла сўзбошиси билан нашр этилган “Қирғоқсиз дарёлар” китобим 2025 йилда “Олтин қалам” мукофотига сазовор бўлди.

Аслида, сўзбошини у кишига айтишим бежиз эмас эди. Гап шундаки, 2023 йил август ойида Зоминдаги ёзувчилар ижод уйида бир гуруҳ ёзувчи, шоир ва олимлар бирга бўлиб қолдик. Мана улар: Эркин Аъзам, Усмон Азим, Нурбой Жаббор, Абдуқоюм Йўлдош. Ҳар куни гурунғ, адабиёт ҳақида, ҳаётнинг ўткинчилиги хусусида... Ажойиб хотиралар, латифалар. Нақадар мароқли, маънили, ибратли гурунглр. Ғийбат йўқ. Дилқас суҳбатлар. Ўша кўнлари мен Нурбой домланинг янги киррасини кашф этдим ўзим учун. У киши ниҳоятда мохир нотик, самимий суҳбатдош экан. Оддий воқеаларни ҳам шу қадар қизиқарли ҳикоя қилиб берадики, ҳаммамиз берилиб эшитамиз, тиззамизга уриб қуламиз. Айниқса, бир “олим”нинг диссертацияси ҳимояси жараёнини гапириб берганда, кулгидан кўзларимиз ёшланиб кетди. Ўша “олим”нинг гап-сўзларини, ҳаракатларини шундай кўрсатиб бердики, ханг-манг бўлиб қолдик. Илмдан анча узоқ “олим”нинг қиёфаси, ҳаракатлари кўз ўнгимизда намоён бўлиб, сўзларини эшитгандай бўлдик. Аслида, ўша “олим”нинг гап-сўзлари, ҳаракатлари энса қотирадиган воқеа экан. Аммо Нурбой домланинг сўзмонлиги, ҳикоя қилиш услуби барчамизга завқ бағишлади. Ҳозир ҳам эсимга тушса, кулгим келади.

Зомин гурунглиридан кейин ўзаро янада яқинлашдик, ижодий ҳамкорлигимиз мунтазамлик касб этди. Бугун нурили инсон, зукко олим Нурбой Жабборов ва у кишининг илмий-ижодий фаолияти ҳақида кузатишларим ва таассуротларимни ёзиб ўтирибман.

Дарвоқе, бунинг сабаби бор. Профессор Нурбой Жабборов 60 ёшга тўлибди. Бу гапни эшитиб, ҳайрон бўлдим. У кишининг ҳамма гапига ишонсам-да, шу гапига ишонгим келмади. Сабаби — Нурбой Жабборовни кўрган одам нари борса эллик ёш беради. Юзлари нузли, қадамлари дадил, ўзи бақувват, унча-мунча полвонни бир силташда курагини ерга теккизади. Илмдан ташқари ҳаётий масалаларда ҳам кўп нарсадан хабардор, ҳатто қўй қайси биқини билан ётади, ерга тегиб турган биқинининг гўшти мазалими ёки ерга тегмаган биқинининг гўшти мазалими — ҳаммасини яхши билади...

Серқирра олим, ширинсухан суҳбатдош, қўли очик ўлфат, қадрдон дўстимиз Нурбой Жабборовга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, илмий-ижодий қувончлари бардавом бўлишини тилайман. У кишига Аллоҳ яна шунча йил баракали, мазмунли умр ато этсин!

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ.

ТАБИАТ ТИЛСИМЛАРИ

ФОЗИЛМОН КЎЛИ ва ПИСТАЧАҚАР БАЛИҚЛАР

Зомин ва Нурота тоғ тизмаларини Жиззах яқинидаги Илон ўтди дараси ажратиб туради. Бу жойини туб аҳоли Амир Темур дарвозаси ёки гори деб ҳам атайди.

Ҳор пастидан оқувчи Сангзор дарёси икки тоғ тизмасининг табиий чегараси ҳисобланади. Илон ўтди дарасидан кейин Нурота тоғ тизмалари Қўшработ туманига келиб иккига — Оқтов ва Қоратовга ажралади. Уша тоғларнинг ҳар иккаласи тугайдиган (Нуротага қараб йўналган) жойидан яйловлар, Қизилқум саҳроси, Буюк Турон пасттекислиги бошланади.

Жиззах, Самарқанд ҳамда Навоий воҳалари хари-тасига қарасангиз, унда Нурота тоғ тизмаларининг бор буй-бастини қўриш мумкин. Тўшмага булутлар бош қўйган мағрур чўққилар, қояларни ёриб ўтган даралар, бир-бирига туташ қир-адирлар ястаниб ётибди.

Нурота тоғидаги Заргар чўққиси денгиз сатҳидан 2170 метр, Оқтов Лангар чўққиси эса 2005 метр баландликда жойлашган. Шу ерлик одамлар ишонадиган афсонага қўра, Ҳазрати Нуҳ алайҳиссалом лангар ташлаган жой айнан шу чўққи эмиш.

Қизилқум бўлари билан чегарадош Нурота тоғ тиз-масининг ҳайвонот ва ўсимликлар олами жуда хилма-хил. Қўтарилиш қийин бўлган қояларда, тоғ ёнбағир-ларидаги чангалзорларда қолпонлар яшайди. Ана шу биологик хилма-хилликни табиий ҳолда сақлаб қолиш, илмий асосда урганиш ва тадқиқ этиш мақсадида 1975 йилда Фориш тумани сарҳадларида давлат томонидан Нурота қўриқхонаси ташкил этилган. Аммо унинг Са-марқанд, Навоий вилоятларидаги қисми бугун қаровсиз ҳолда. Бу ерда минглаб доривор гиёҳ, дов-дарахт, пар-ранда-ю даррандаларнинг ноёб турлари учрайди.

Нурота заминидан етишиб чиққан Оқсоқолота, Ну-рота, Қарнабота, Оқтўнлиота, Қўчқорота, Арслонота, Қўктуңлиота ҳақида кўпчилик эшитган, албатта. Бу зот-лар маънавий юксак, ҳисмонан бақувват, ақлан барка-мол инсонлар бўлиб, тоғу тошлар, адирлар ва қирларда кўним топишган. Бу сўлим гўшаларда ноёб дарахтларни учратасиз. Ҳатто дунёнинг кўпгина жойларида мутлақо учрамайдиган сарв дарахти ҳам ана шу тоғларда ўсади. Авлиёсифат аждодларимизнинг мана шу ерда яшаб қо-лишига ана шу омиллар сабаб бўлгандир, балки. Агар бу жойларни пиёда кезсангиз, таърифлаб бўлмас гўзал манзаралар, олам-олам завқ ва таассуротларни тую-шингиз аниқ.

Бугун одам нафас олишга қийналадиган улкан ва ти-ғиз шаҳарлар олдида Оқтов ва Қоратовлар том маънода жаннатдай кўриниши шубҳасиз. Зеро, шопир бир шеъ-рида Оқтов ва Қоратовни мадҳ этганидек:

*Оқ тоғларни изладим,
Қора тоғлар дуч келди.
Қора тоғлар қучоғини кездим, ёронлар,
Оқ тоғларга етгунча.*

“Илон ўтди” дараси ёки Амир Темур дарвозаси

Жиззах заминидан кўхна Буюк Илак йўли ўтгани учун ҳам мазкур кент жаҳон тамаддунида жуда катта аҳамият касб этиб келган. Жиззах довоиндан пастликдаги тоғ-нинг қоқ бели худди сариёғ каби кесилиб, кенг ва равон йўл солинган, Сангзор дарёси ҳам айнан шу ердан ўт-ган. Автомобиль ва поездлар қатнови мамлакат шимо-лини шарққа боғлаб туради.



Зомин ва Нурота тоғ тизмаларини мана шу фусункор ва мафтункор “Илон ўтди” дараси ажратиб туради. Дара-нинг кунчиқар томони Зомин, кунботарга қараган томони эса Нурота тоғ тизмаларининг бошланиш қисми ҳисоб-ланади. Негадир маҳаллий аҳоли “Илон ўтди” дарасини “Амир Темур гори”, “Темур дарвозаси” деган номлар би-лан ҳам аташади.

Шунинг учун эл орасидаги айрим гап-сўзларга қара-ганда, Соҳибқирин Амир Темур бобомиз ҳар гал зафар қўчганидан кейин замин сайкали Самарқандга фақат-гина ана шу “дарвоза” орқали кириб келган экан. У давр-ларда бу жой қаттиқ қўриқланган бўлиб, стратегик аҳа-миятга эга манзил бўлган.

Сангзор дарёси тоғларнинг булутларга қадар етган баланд чўққиларидан тошларга урилиб, думалаб, пиш-кириб оқиб келади. Дарё иккита тоғ тизмасининг табиий чегараси ҳисобланган экан.

“Илон ўтди” дарасининг табиати, ҳавоси ажойиб. Бу қадим манзилга яқин гўшада умрғузаронлик қилаётган тоғликларини эшик асҳаётган худудлари, тоғ чўққилари-ю сойлари, даралари ҳақидаги бир-биридан қизиқарли ҳи-қоялари кишини сеҳрлаб қўяди, аллақандай туйғуларга чулғагандай бўлади.

Бир маҳал улкан бир қора қуш Темур дарвозасининг муз сумалакни эслатадиган қиррадор чўққисига келиб кўнди ва атрофни синҷовлик билан кузатди. Қоядан сал наридаги кенгликда қўйлар суруви кўзга ташланади. Нима учундир ушбу худуддан доимо шамол аримайди.

Дара атрофида ёнғоқ, арча, наъматак каби дов-дарахт-лар онда-сонда бўлса-да учрайди. Икки томон эса қо-райиб кетган қоялар билан ўралган. Бу ўлмас қояларни оралаб, бир тошқин дарё оқади. Дарёнинг шундоққина ёнида бир букур, қиррадор қоя ўсиб чиқиб, осмону фа-лакка санчилиб тургандай гўё. Мазкур қоялар Амир Те-мур бобомизнинг қанчадан-қанча зафарли юришларига, масрур, қувончли онларига гувоҳ бўлмаган, дейсиз. Шу-нинг учун ҳам мангуга занжирланган бу икки тоғ ажрала-диган манзил тарихий тимсолга айланиб улгурган.

“Келинтош”

Қояга тирмашиб чиқишим учун хийлагина тер тўки-шимга тўғри келди. “Пастликка қараманг, бошингиз ай-ланади. Қиррадор шаклдаги қоянинг кемтики жойига оҳиста оёқ қўйинг. Ана шунда тепага кўтарилишингиз осонлашади...” Ёнимда пилдираб, худди катталардек дадил, мардона одимлаб келаётган муштдеккина бола-кайининг амрига бўйсунмишдан бошқа иложим қолмади... “Бу бошқа гап. Кейинги сафар қояга чиққудек бўлсангиз, бу нарсаларни библи олганингиз яхши, керак бўлади. Мана, ҳаш-паш дегунча тик тоғда қандай одимлашни ях-шигина ўзлаштириб олдингиз”.

Болақай рост сўзлаган экан. Ҳаял ўтмай тепада ҳо-зир бўлдим. Шундоққина ёнимда шамоллар қора булут-лар қарвонини худди подани олдига солиб кетаётган қўпондек ҳайдаб боряпти. Сал наридаги қояга маҳкам ўрнашиб олган улкан бургут чор-атрофни олазарак куза-тади. Қузғунлар бир жойга тўпланиб олганича, бир-бири-нинг пинжиги бош сукади. Улар бу машғулота шунчалик берилиб кетганидан, бошқа ҳеч нарсага ҳуши йўқ эди. Рости, бу манзилдаги манзараларни таърифлаб бериш-нинг иложи йўқ.

Одам гавдасини ёдга соладиган, ибодатга берилган аёл, йиғлаётган болақай, сурув-сурув қўй-қўзиларни бо-қиб юрган чўпонни эслатадиган тошлар шунчалар се-робки, беихтиёр уларнинг қай бирини томоша қилишни билмасдан эсанкираб қоласан киши. Устига-устак, нон-тош, кенг, ёйиқ сура ҳамда бир қараганда товук тухумини эслатиб юборадиган тошларнинг савлат тўкиб туришини айтмайсизми? Синчиклаб қарасангиз, худди янги тушган сўқсурдай, сулув келинчака қуйиб қўйгандек жуда-жуда ўхшаб кетадиган тош эса сизга астойдил таъзим қилиб, эгилиб салом бераётгандек таассурот қолдиради.

1650 метр баландликдаги ноёб кўл

Нурота тоғ тизмаларидаги Оқтов ва Қоратов бетакорор ғаройиботларга бой. Бу тоғларда асрлар давомида бу-рон, жала, шамолу жазирамалар билан олишиб яшаёт-ган шундай гўзал ошёнлар борки, уларни қўриб, гўёки сеҳрли эртакка тушиб қолгандек бўласиз.

Тоғлар занжирининг энг баланд жойида қачонлардир табиат қудрати билан яралган Фозилмон кўли ҳақида ҳеч эшитганимизсиз? Кўлнинг чор-атрофи тоғлар билан ўрал-ган. Фозилмон тоғи деб аталувчи чўққи пастидаги кўл-нинг шарқ томонидан айланиб ўтиб, кўлга қуйилувчи булоқ ёнига келди. Суви муздек. Уни идишга олиб оф-тобда бироз илитгач, ича оласиз. Кўл четида сув анча тиниқ, ўртасига етиб кулранг тусга қиради. Сатҳида шу пайтга қадар ҳеч ким аниқламаган ям-яшил ўтлар, тўда-тўда қамишлар ўсган. Кўлда сон-санокисиз ёввойи ўрдақ, оққуш ва ғозлар сузади. Уюр-уюр отлар сув ичиб бўлган, навбат кўтосимон бўқаларга келади.

“Эшитишимизча, боя сизлар кўрган кўлдан сув ичган отлар шу кетишда Оқтовга бориб тунаркан”, дейди шу



орада қўй боқиб юрган чўпон.

Аслида, ўша отлар ана шу поёнсиз яйловларнинг кў-риқчиларидир. Улар тунни Оқтовда ўтказса, қондузи Синтоб яйловларига етиб боради. Сув ичиб, яна Оқтовга қайтади. Оқтов устида ҳам ана шундай яйловлар кўп. Яна ривоятлардан бирида келтирилишича, ўша отлар Ҳазрат Алининг Дулдул лақабли отидан таркаган насл эмиш. Умуман, кўл ҳақидаги афсоналар гоят қизиқ ва турли-туман.

Камина ҳам кўл бўйидаги текисликда ўйноқлаб, ги-жинглаб, кишааб юрган аргумокларни том маънодаги “кўл қўриқчилари” деган бўлардим. Негаки, тилсиз жони-ворлар бу жойларни бир зумга ҳам қаровсиз қолдирмас экан.

Дарвоқе, чексиз яйловлар ўртасида кўл мавжуд бўл-гани — бу Кичик Фозилмон тоғи ҳисобланади. Катта Фо-зилмонни “Ҳаётбоши” ёки оддийгина қилиб, “Фозилмон” деб аташади. Бу юксак баландликдан Синтоб, Можрим, Ухум ва бошқа кишлоқлар тоғ ораларидан аниқ-тиниқ кўзга ташланади.

Бир пайтлар Бухоро амири Абдуллахон бу тоғлар-нинг жанубида — Оқочбосой, шарқида эса Бобғонсой сув омборларини қурдирган экан. Сой бўйидаги текисликда жойлашган экинзор, дарахтзор ва боғларни қўриб, ди-лингиз яйрайди. Бу гўшаларга ҳам кўпроқ хорижлик ва маҳаллий сайёҳлар жалб этилса, айни мудида бўларди, назаримда.

Фозилмон кўли буюк рассом — табиатнинг биз инсон-

ларга бетакорор тухфасидир. Қопаверса, мазкур кўл ўз бағрида кўплаб афсонаю ривоятларни сақлаб келяпти. Бу гўзалликларни қўриб, уларни кезган инсоннинг она табиатга бўлган муносабати, қараши яхши томонга қа-раб ўзгариши аниқ.

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА:

- *Фозилмон кўли денгиз сатҳидан 1650 метр ба-ландликда жойлашган.*
- *Кўлга битта чашма суви қуйилади. Унда чўми-лиш таъсия этилмайди.*
- *Сатҳида осмон аксини (айниқса, қолдузи осмон) жуда ноёб ҳолатда кузатиш мумкин.*

Сармишсой петроглифлари

Нурота тоғ тизмалари тармоғига қирувчи Қоратов этакларидаги хушманзара, гўзал даралардан бири Сар-мишсойдир. Дарадаги қоятошларга ўйиб чизилган расм-ларни томоша қилиб юрганимда, маҳаллий мўйсифид билан гурунглашиб қолдим.

“Ўғлим, “Сармиш” сўзи қандай маънога эгалигини би-ласизми?” дея сўраб қолди. Сўнг отахонинг ўзи тушун-тира кетди: “Сармиш” — сўғдийча сўз бўлиб, “саримушк” — асл гул ҳиди анқувчи, ифорили макон, деган маънони англатади. Бу ерда чизилган расмларнинг ҳисоби ўн мингдан ошиб бўлса керагов. Буни кўпчилик билмайди. Қаранг, чор-атроф гулу қизгалдоқлар, анвойи чечаклар билан безанган. Бахт қўйчиси Ҳамид Олимжонга ҳам ай-нан мана шу манзара илҳом берган. Шундан кейин у ўзи-нинг машҳур “Қорли тоғлар турар бошида, гул водийлар яшнар қошида” деган сатрларини қоғозга туширган”.

Отахон тўғри айтди. Қоятошларга ёзилган тарих, бе-такорор рассомлик асарлари ва даранинг номи узукка қў-йилган кўздек ярашиб тушган. Манзараларга махлиё бў-либ, узоқ туриб қолдим. Сўнг чол мени дара юқориси-даги қоя томон бошлади. Кўзда бургут “қий-қий” деганча парвоз этмоқда. Пастга қарасанг, бошинг айланади. Тоғ эчкилари тошдан-тошга сакрайди. Сой сувининг пишқи-риб оқиб эшитилади...

Қоятошдаги расмларга диққат билан тикиламан. Қо-яларга ёввойи буқа, сигир, қулон, от, туя, қийиқ, буғу, эчки, алқор, йўлбарс, қолпон, бўри, ит, илон ва яна бошқа кўп-лаб ҳайвонлар билан бирга, ўк-ёй, найза, қилч ва ҳў-жалик бўюмлари ҳамда турли ҳандасавий шакллар жуда моҳирлик билан жойлаштирилган. Суратларнинг қури-ниши ва ҳажми турлича, баъзилари 30-40 сантиметр, бир хиллари 70-80 сантиметр, бошқалари 1 метрдан зиёд. Бир қарашда қоятошлардаги сон-санокисиз расм-лар кишида тартибсиз, пала-партиш чизилгандай таас-сурот қолдиради. Лекин, сал туриб, бу таассуротнинг ал-дамчи экани аёнлашади. Тасвирларда даранинг қадим-ий табиати, ҳайвонот олами, инсониятнинг ибтидоий турмуш тарзи ва тараққиётнинг маълум босқичлари бо-рича берилган. Уларни на орадан ўтган асрлар, на қор ва ёмғирлар юйиб кета олган.

Биз кўрган расмлар, петроглифлар — неолит, бронза даврларидан чизила бошлаган. Айниқса, келин олиб кетиш маросими манзараси жуда усталик билан тошга муҳрланган. Ажабланирлиси, бу тасвири ҳар доим ҳам қўриб бўлмади. У фақат қуёш чиққан куннинг маълум бир қисмидагина бир-икки сония кўринади-ю, кейин яна кўздан ғойиб бўлади. Бу ҳолни кузата туриб, табиатнинг ишига қойил қолмай илпожнинг йўқ. Назаримда, табиат бу билан ўз нодир асарларини ёмон нигоҳлардан яшир-моқчидай гўё.

Менга “Кампир кунжақ”, “Искандар Зулқарнайн” да-ралари маъқул тушди. Масалан, бу жойларда тарихда миллий қаҳрамонимиз Спитамен Искандар Зулқарнайн билан тўқнаш келган.

Дарҳақиқат, бу заминдан топилган осори-атиқалар, ёдгорликлар, ов қуроллари, зиёратгоҳлар бизга узоқ мо-зийдан сўзлайди. Беихтиёр “Очиқ осмон остидаги ғаро-йиб тарихий ландшафт-музей — Сармишсой нафақат Ўзбекистон, балки бутун жаҳон ҳамжамиятининг бой-лиги, қолаверса, ҳали ўқилмаган донишлар китоби”, де-гинг келади.

Баъзида табиат ишига қойил қолмасдан илож йўқ. Не-гаки, унинг қудрати ва қаромати туфайли бир-биридан қизик, ғаройиб воқеалар содир бўлиб туради. Бундан ин-сон боласи донг қотади.

Яқинда азиз авлиёлар, сирли мўъжизалар юрти Ну-ротада бўлдим. Бутун шаҳар қадимий Нурота тоғ тизма-ларининг бир бўлаги бўлган Оқтов деб аталувчи тоғдан оқиб чиқувчи Нур буюғидан сув ичади. Ариқдаги сувда балиқлар галаси эмин-эркин, озод сузиб юрибди. Маҳал-лий ва хорижлик сайёҳлар мафтункор “Чашма” тарихий мажмуаси ёнидаги балиқлардан асло қўз узишмайди. Балиқлар ҳам буни фаҳмлагандек ғўж-ғўж бўлиб олга-нича, у ёқдан-бу ёққа сузгани-сузган. Айтишларича, улар узоқ йиллардан буён сувнинг софлиги, биллурдек тиниқ-лигини таъминлашининг уддасидан чиқиб келаётган экан. Шунингдек, маҳаллий халқ орасида устига белги қўйил-ган бир балиқчи Дехибаландга, яъни Дехибаланд-Ну-рота йўлидаги қиялиқнинг кўтарилмиш қисмида жойлаш-ган қишлоқ ва Нуротадаги булоқларда учратиш мумкин, деган гаплар юради. Бу гаплар авлоддан-авлодга ўтиб келяпти. Бундан чиқди, Дехибаланддаги учта ва Нурота-даги мавжуд булоқларни боғлаб турадиган сирли ерости йўли мавжуд экан-да. Ҳар ҳолда, бу тахминлар ҳақиқатга анча яқин. Бу ердаги балиқларни овлаб бўлмайди. Улар ҳозирги кунда давлат муҳофазасига олинган.

Мажмуани томоша қилиб юрганимда, мўйлови сабза урган ёш бир йигитча эътиборимни торти. У булоқ бўй-ида сал энкайиб турганича қафтидаги писталардан оз-оздан сув юзасига сочарди. Шу маҳал ғўж-ғўж балиқлар галаси сув юзасида пайдо бўлди-ю, пистани ҳаш-паш де-гунча қақиб ташлашди. Сўнгра “Пистанинг пўчоғини бу ерда зинҳор қолдирма”, деган маънода юзага қалқиди. Шунда қизиқшим устун келиб, мен ҳам қафтимдаги пис-таларни сув бетига сочиб юбордим. Булоқ тиниқлашиб, бирдан пистачақар балиқлар галаси ҳозиру нозир бўлди. Сув тезоб оқувчан бўлганлиги сабабли писта пўчоқлари катта қувур орқали шаҳарга чиқиб кетар экан. Очиғи, буни кўрганларнинг бариси ҳайратдан донг қотиб қолди. Рости, писта қақиб ажойиб ва антика томоша кўрсатаёт-ган балиқларга қойил қолмай сира илпожнинг йўқ.

Улғубек ЖУМАЕВ,

Ўзбекистон Журналистлар ўшмасси аъзоси.

ХОРИЖ

ТРАМПНИНГ УЧИНЧИ МУДДАТИ ҲАҚИҚАТМИ?
АҚШ сиёсий тизимида энг муҳим ва баҳсли мавзулардан бири — Трампнинг учинчи муддатга қолиш эҳтимоли ва бунинг ҳуқуқий йўллари кенг муҳокамада.



Америка Конституцияси қабул қилинган 1787 йилдан бери унга бор-йўғи 27 марта тузатиш киритилган — илк марта 4 йилдан сўнг — сўз ва дин эр-кинлиги, қурол сақлаш ҳуқуқи, кейинги йилларда қулликнинг бекор қили-ниши, аёлларга сайлов ҳуқуқи ва ҳ.к.

Энг охириги 27-тузатиш 1992 йилда тасдиқланган бўлиб, у Конгресс аъзо-ларининг маошини ошириш тартибига тегишли эди.

1951 йилда қабул қилинган 22-тузатишга қўра, ҳеч бир шахснинг икки мартадан ортқ президент лавозимига сайланиши мумкин эмаслиги бел-гилаб қўйилган. Бу Рузвельтнинг 4 марта сайланганидан кейин ўрнатилган қатъий чеклов эди. Унинг қайта сайланишлари кўп қиррали сермахсул фео-лияти ҳамда ХХ асрнинг биринчи ярмидаги энг муҳим дунёвий воқеалар-даги фаол иштироки билан изоҳланади.

Бугун америкалик ҳуқуқшунос олимлар ушбу чекловни айланиб ўти-шинг қатор назарий йўллари ахтаришмоқда. Қизиқ жиҳати, 22-тузатиш “сайланиш”ни тақиқлайди, лекин “лавозимни эгаллаш” ёки “хизмат қилиш” ҳақида сўз юритмайди.

Трамнинг ўзи янги номзодликнинг ҳуқуқий чегараларини ошқора тан олади. Бир сценарийга қўра, у вице-президентлика номзодини қўйиб, ма-салан, Вэнс билан тандемда сайловда қатнашади. Кейин эса президент бир баҳона билан истефого чиққач, конституциявий мерос тартибда Трамп Оқ уйдаги лавозимини эгаллайди.

Аввалига ҳазил билан бошланган гаплар, кейинчалик экспертлар тахли-лига, сўнгра юридик талқинларга кўчди. Ҳуқуқшунослар билан бирга ОАВ ҳам мавзу муҳокамасини қиздиришмоқда.

Тахлилчилар АҚШ Конституциясидаги 22-тузатиш мутлақ тўсиқ эмас, балки талқин қилиниши мумкин бўлган матн сифатида қўрилаётганини таъкидлашади. “Лавозимни эгаллаш” борасида аниқ тақиқ йўқлиги ҳуқуқий баҳсларга йўл очмоқда. Бундай схемада президент амалда учинчи марта лавозимни эгаллайди, лекин юридик жиҳатдан “сайланган” ҳисобланмайди.

Агар пайти келиб Конгресс вице-президентлик орқали президентлика ўтши схемасини қўлласса, АҚШ тарихидаги энг йирик конституциявий инки-розга олиб келиши мумкин.

Вице-президентлика ёш ва содиқ шерик Вэнс танланиши, юқорида ай-тилган “рокировка” учун замин яратади. Трампнинг мақсади фақат шахсий ҳокимият эмас, балки “Трамписм” мафкурасини институционал даражада мустаҳкамлашдир, дейди таҳлилчилар.

Учинчи муддат гоёсининг энг ашаддий тарафдорларидан бири Оқ уйнинг собиқ бош стратеги Стивен Бэннондир. У Асосий қонунни айланиб ўти-шинг “режаси” борлиги ва унинг устида ишлаётганини билдиради. “Трамп учинчи муддатга президент бўлиб сайланади”, деди қатъий.

Замонавий демократияларда, ҳатто энг қатъий қонунлар ҳам “юридик креативлик” ва сиёсий ирода босими остида заифлашиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Оқ уй ҳуқуқий тизимдаги бўшлиқлардан фойдаланиб, АҚШ сиёсий анъаналарини тубдан ўзгартирмоқчи...

ЭРОНДАГИ ЙИРИК НАМОЙИШЛАР...

Салкам ўттиз йилдан бери Эронда қатор оммавий — талабалар ак-цияларидан тортиб, Махса Амнийи ўлимидан кейинги халқ намоиш-ларигача бўлиб ўтган. Барчаси, асосан, тинч кўча акцияларидан бош-ланиб, хавфсизлик кучлари, Ислон инқилоби муҳофизлари корпуси (КСИР) ва “Басиж” томонидан шафқатсизларча бостирилган.



1999 йилдаги талабалар намоийшларига ислохотчи “Салом” газетаси-нинг ёпилиши сабаб эди. 8 июлга ўтар кечаси хавфсизлик кучлари талаба-лар ётоқхонасига ҳужум қилади. Воқеа бир неча кун давом этган, “Басиж” отряди намоийшчиларни аёвсиз тарқатиб юборади. 5 киши ҳалок бўлади, талабалар бедарак йўқолади, 1400 га яқин киши ҳибсга олинади.

2009 йил июнь ойидаги баҳсли президентлик сайловларидан сўнг бутун мамлакат бўйлаб “Яшил ҳаракат” номли оммавий намоийшлар бошланади. Миллионлаб эронликлар сайловнинг расмий натижаларига шубҳа билди-ришиб, Аҳмадинежодни натижаларни сохталаштиришда айблашади. Яшил ранг унинг рақиб Мир-Хусайн Мусавий кампаниясининг рамзи эди.

2019 йил ноябрда бир кечада бензин наринининг кескин омиши намо-ийшларга бош сабаб бўлганди. 20 дан ортқ шаҳарни қамраб олган чиқиш-лар кўп ўтмай шафқатсизларча бостирилади. Иқтисодий талаблар билан бир қаторда сиёсий шиорлар, жумладан, олиий раҳнамо Али Хоманайини аф-даришга қаратилган турлидан-тўғри чакирлар янграйди. Воқеалар мамла-катнинг замонавий тарихига “қонли ноябрь” бўлиб қирди.

2022 йилда 22 ёшли қурд қизи Махса Амнийининг ўлими янги умуммил-лий намоийшларга сабаб бўлди. Қиз ҳижоб кийиш қоидаларини бузганликда айбланиб, “ахлоқ полицияси” ҳибсхонасида вафот этди. Полиция зўравон-лиги ва мажбурий ҳижобга қарши норозилик сифатида бошланган воқеалар тез орада бутун сиёсий тизимга қарши оммавий ҳаракатга айланиб кетди. “Аёл, ҳаёт, озодлик” шиори остида кўплаб ёшлар ва аёллар бирдамлик бел-гиси сифатида ҳижобсиз кўчаларга чиқишади.

Ҳокимият бунга энг қаттиқ репрессиялар билан жавоб берди: хавфсиз-лик кучлари намоийшчиларга қарата жанговар патронлардан ўқ узади, яна ҳибсга олиш, кишилар ўлдирилиши... Ўнлаб ёш намоийшчилар тезлашти-рилган тартибда ўлим жазосига ҳукм қилинди.

Ўтган йилнинг охирида бошланган оммавий намоийшлар Эроннинг турли шаҳарларида ҳамон давом этмоқда. Унинг тафсилотлари ва оқибати ҳақида аввалиги ёзувларимизда тўхталганмиз.

Ушбу намоийшларнинг барчаси учун умумий жиҳат — аҳолининг тобора кенг қатламлари ҳукумат сиёсатидан қуқур норози эканлиги. Таҳлилчилар сиёсий раҳбариятни жамият талабларига жавоб бериш истаги ва қобилия-тига эга эмасликда, деб билишади.

Режим репрессиялар, мақсадили ҳужумларга ва одамларни бирлашти-риб, сафарбар қила оладиган ҳар қандай муҳолифатни ёмонотлик қилишига урғу бермоқда. Мувофиқлаштирувчи куч ва етакчиларнинг йўқлиги сабабли намоийшлар шафқатсизларча бостирилмоқда. Кўплаб сиёсий фаоллар қа-моқхоналарда қолмоқда ёки мамлакатни тарқ этишга мажбур бўлган...

Аброр ХОН.

Юртлар аро Бобур васефи йўлида...

2025 йил 18 апрелда Президент Шавкат МИРЗИЁЕВ томонидан Янги Андижон шаҳрини Бобур номи билан аташ ташаббуси илгари сурилди. Бу таклиф сўнгги йилларда бобуршунослик соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг янги босқичга кўтарилишига янада яхши замин ҳозирлайди. Қўйда эътиборингизга ҳавола этилаётган Халқаро Бобур номли мукофот соҳиби, арабшунос, бобуршунос олим Шокирхон РУСТАМХҲАЕВ ва ёш олима Элмира ҲАЗРАТҚУЛОВА ўртасидаги суҳбатда соҳанинг айрим масалалари ва олиб борилаётган истиқболли лойиҳалар ҳақида фикр алмашилади.

Элмира ҲАЗРАТҚУЛОВА:

— Устоз, келинг, суҳбатни сиз таҳсил олган масканлар ва Бобур сиймосига бўлган дастлабки қизиқишларингиз ҳақидаги мавзудан бошласак.

Шокирхон РУСТАМХҲАЕВ:

— Мен 1959 йил Андижондаги 15-ўрта мактабнинг 10-синфини яхши баҳолар билан тамомлаганман. 1962-1965 йиллари солиқ совет армияси сафида хизмат қилиб, охириги йилнинг кузида Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг шарқ тиллари факультетига қабул қилиндим ва 1969-70 йиллари Миср Араб Республикасида ҳарбий таржимонликда бўлиб, 1971 йили университетнинг араб тили ва адабиёти мутахассислигини имтиёзли диплом билан тамом қилганман.

1971 йилдан то 2002 йилга қадар Андижондаги 32, 37-ўрта мактабларда ҳамда Андижон давлат педагогика институтига араб ва форс тилларидан дарс бердим. 2002 йилдан буён нафақаданман.

1973-75 йиллари Ироқда ҳарбий таржимон, 1978-80 йиллари Яманнинг пойтахти Сано шаҳридаги "Аш-Шаъба" — "Халқ" мадрасасида россиялик муаллимларга ва шифоҳона табибларига таржимон бўлиб ишладим. 2002-2009 йилларда эса Саудия Арабистони мамлакатига мерос масалалари юзасидан фаолиятда бўлганман.

1958 йили Андижонда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг подшоҳнинг 475 йиллиги муносабати билан Биринчи илмий анжуман бўлиб ўтганида мен 10-синфда ўқир эдим. Анжуман 14-15 апрел кунлари шаҳар марказидаги Охунбобоев театри (ҳозирги Бобур номидаги Андижон мусикали драма ва комедия театри) биносида бўлиб ўтганди. Унда адабиёт фани устозим Нодира опа билан бирга анжуманда қатнашганимиз ёдимда. Ушанда академиклар Иброҳим Мўминов, Қори Ниёзий, Ҳадича Сулаймонова ва таникли бобуршунос олимлардан: Азиз Қайюмов, Ботирхон Валихўжаев, Ҳошимжон Раззоқов, Сабоҳат Азимжонов, машҳур географ Ҳамидулла Ҳасанов ва бошқалар, шунингдек, республиканинг ўша даврдаги кўп олий ўқув юртлиари профессор-ўқитувачилари ва талабалари ҳамда бир қанча жамоатчилик вакиллари қатнашган. Ушбу анжуманда, айниқса, Ҳ.Ҳасановнинг "Бобур географ ва табиатшунос олим" ва С.Азимжонованинг "Бобурнинг "Мубаййин" асари ва "Хатти Бобурий" тўғрисида" каби чиқишлари катта таассурот қолдириб, Бобур подшоҳнинг илм ва фанга қизиқиши нақадар кенг ва мукаммал бўлгани бизга катта таъсир қилган.

Талабалик йилларимда Бобур подшоҳ сиймосига бўлган ҳурматим янада ошиб, факультетимизда араб, форс, урду ва ҳиндий тиллари бўйича таълим олаётган 1-5-босқич 20 нафар илм тоғилари билан маслаҳатлашиб, битирув фотовиньеткини ҳозирлаш фикри туғилган эди. Ўша даврда одат шундай эдики, ҳар қандай болалар боғчасидан тортиб то олий ўқув юртлиари талаба ва устозларига қадар битирув ёки бирор муносабат билан тасвирга тушурилган фотолар билан виньеткаларнинг энг юқорисидан флотариат доҳийлари бўлишш Карл Маркс ва Владимир Лениннинг суратлари туриши зарур бўлган, бошқача бўлиши мумкин эмасди... Биз ўша даврнинг ёзилмаган қонунини ўзгартириб, виньеткаимизнинг энг юқорисига Бобур подшоҳ ва Нодирабегимнинг суратларини қўйиб, ҳар кафедранимиздан икки нафар профессор-ўқитувачилардан суратларини киритиш фикри туғилган. Тайёр бўлган суратнинг биринчисини факультет деканамиз профессор Шоислом Шомухаммедов хузурига олиб кирганимда, бир назар ташлаб: "Маркс қани, Ленин қани?!" Олиб бориб, тезлик билан ўзгартириб келинг! Бу доҳийлар бўлмаса, мен оддий деҳқон фарзанди шундай илмий даражаларга ва лавозимларга етишармикан эдим?!" — деб айтганлари ҳануз эсимда муҳралиб қолган...

Филология фанлари доктори, профессор ва деканамизни тушуниш қийин эмас эди... Начора, ўша давр сийсати ва тузум талаблари долмаизини ана шундай дейишга мажбур қилган эди-да! Ўша заҳоти мен деканамизга: "Ўзр, домла, биз қисқа уйлабмиз. Биз, андижонлик талабалар ҳамда устозларимизни ўйлаб, Андижонда таваллуд толган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва шоира Нодирабегимларнинг суратларини қўйишни муносиб деб билган эканмиз. Ҳўп, яна узр, бу хатомизни тўғрилаб, бошқа сафар олиб келаман", — деб деканатни шамот тезлигиде тарк этганим ҳам ёддан қиймайдим... Ахир у замон — "ривожланган социализмдан коммунизм сари ўтиш даври" эди-да... Сийсат қаттиқ замон эди. Партия аъзоси бўлмаса, беш-олти ишчига бригадир бўлиш ҳам мумкин эмас эди. Олий ўқув юртлиари ва ишлаб чиқариш корхоналарини эса асти қўяверинг...

Элмира ҲАЗРАТҚУЛОВА:

— "Бобурнома"да ислом ва фикҳ масалаларига доир маълумотларга ҳамда бугунги изланишларга муносабатингиз? Бугунги кун исломшунослиги яна қандай рақурсларда бу асар билан тадқиқот олиб бориши мумкин?

Шокирхон РУСТАМХҲАЕВ:

— Бобур шаҳзода биринчи устози — ўзининг отаси Умаршайх Мирзо, қолавверса, катта бобоси Амир Темур Қўрагонининг ҳарбий юришлари ҳақидаги асар — "Зафарнома"дан ҳарб илми бўйича

сабоқ олган бўлса, бевосита фикҳ илмини жуда кўп фикҳий улаомларнинг китобларидан пухта эгаллагани маълум. Аммо биз билган "Бобурнома" китобларида Балқин биронтаси номлари кўрсатилмаган. Улар, улар асл нусха — "Вақоий"нинг йўқолган саҳифаларида бўлгандир. Бироқ Ислон динининг асосий беш устун-руқнлари (Иймон-эътиқод, Намоз, Рўза, Закоат ва Ҳаж) масалаларини тўлиқ қамраб олган "Мубаййин"дек мукаммал асарини бу даражада назмда аниқ баён қилиб бера олган фикҳий аллома ва сўз устаси — балоғатли фикҳ олими бўлиши керак...

"Мубаййин"да Ислон динининг мазкур асосий руқнлари Қўр'они карим ва Пайғамбаримиз Муҳаммад соллалоллоҳу алайҳи васаллам суннатлари асосида чуқур билимдонлик ва юксак бадиий маҳорат билан шарҳлаб берилган. У асар ўзбек тилининг бойлиги ва қудратини тўлалигича намоян этакдан мумтоз адабиётимизнинг ёрқин намунаси сифатида ҳам қадридир.

Маълумки, Бобур Мирзо яшаган ўрта асрларда Ислон маданияти ва илмларидан яхши хабардор бўлиш учун араб, форс ва албатта, ўз она тили — туркий тилларни мукаммал даражада билиш талаб этилган. Яхшиямки, умуман, илмга чанқоқ фитратда бунёд бўлган шаҳзода Бобур мазкур учала тилни ҳам етарли даражада балоғат ёшига қадар эгаллаб олган дея олиш мумкин. Зеро, Бобур ўзининг шох асари "Вақоий"нинг бошидан ҳазини: "Тенгри таолонинг инояти билан ва Ҳазрати Он (16) Сарвари коинотнинг шарофати билан ва ҳақорийи босафоларнинг ҳиммати билан сешанба кун, рамазон ойининг бешинда, тарих сикиз юз тўқсон тўққузда Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум", — деб бошлагани фикримизга далилдир. Шу ондан бошлаб, ёш шаҳзода Бобур подшоҳнинг онг қисмати — тахт талаш жанглири, амир ва яқин жигарларининг хоинликлари оқибатида тақдир қисмати кўргиликлари бирин-кетин содир бўлиши оқибатида ва ниҳоят, Шайбонийхоннинг босқини натижасида Мовароуннахрни ташлаб, Афғонистонга ҳижрат қилишга мажбур бўлган эди. Натижада 70 кунлик фарқ билан келадиган "икки ҳайитни бир жойда ўтказма олганми" каби синовли кунларни бошидан ўтказгани ҳам маълумдир. Шеръият сўлтони Алишер Навоий бобомизнинг "Ёшлигингда йиғ илмнинг маҳзинин, Қарилқ чоғи харж айлагил он" деган ҳикматлари ҳозирги ёш авлодга нақадар фойдали панду насиҳат экани ҳақида еспатма ва тажриба мактаби бўлади, деб ўйлайман...

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Бобуршуҳнинг бешинчи зурияти бўлган Аврангзеб ҳукморонлик даврида Ҳинд дийри гуллаб-яшнади, кенгайди, Ислон ҳукмлари ҳаётга тўла татбиқ қилиниб, фикҳий илм янада ривожланди. Натижада унинг раҳбарлигида бир гуруҳ улаомлар иштирокида араб тилида бунёд этилган 6 жилддан иборат фикҳий китоб — "Фатовойи Оламгирийа" то ҳозирги кунгача деярли бутун Ислон оламиде асосий қўлнамалардан бири бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Баъзи улаомларнинг фикрича, шох Аврангзеб "Хулафои Рошидинларнинг бешинчиси" деб таърифланади.

Элмира ҲАЗРАТҚУЛОВА:

— "Бобурнома" асари таникли мисрлик олима Можида Махлуф томонидан араб тилига ўнгилган маълум. Бироқ масала шундан иборатки, олима форс қўлэмасидан ҳам фалол фойдалангани айтилади. "Бобурнома"ни аспият тилидан тўғридан-тўғри араб тилига ўнгирш пайти келмадимикан? Ҳар йили араб тили йўналишида излаб мутахассислар олий таълимини тутатмоқдалар...

Шокирхон РУСТАМХҲАЕВ:

— Ҳа, Махлуф Мағида (Можида Салоҳ Махлуф): 1953 й., Қоҳира) — йирик турколог, Айн-Шамс дорулфунунинда бўлим мудираси, професор, Бобур ва бобурийлар ҳақида бир неча мақолалар тадқиқотчиси, "Бобурнома"ни биринчи бўлиб араб тилига ўнгирган туркушнос олима. Унинг тадқиқотлари 20 дан зиёд араб мамлакатлари тарихшунос ва ўлкашунослари қўлига етиб боришига муваффақ бўлди. Можида Махлуф Ўзбекистонга бир неча бор ташриф буюриб, йирик анжуманларда қатнашиб, араб ва туркий тилларда маърузалар ўнгган ва Халқаро Бобур мукофоти соҳибаси бўлган биринчи араб олимасидир.

Тўғри, Европа бобуршунослари "Бобурнома"ни бундан ур аср муқаддам таржима қилгандан кейин 300 миллионга яқин араб миллатдошларига бу жаҳоншумул асарини биринчи бўлиб тақдим этишга муваффақ бўлгани ҳар қандай олқишга ва эҳтиромга лойиқ амал бўлди.

Можида Махлуф "Бобурнома" таржамасига ёзган муқаддимасида ёзишича, у инглиз олимаси Аннетта Беверижнинг инглизча таржамаси ва туркиялик олимларнинг туркча таржамаларидан фойдаланган. Аммо форс тилидаги таржамадан фойдалангани ҳақида бизга маълум эмас. Ватанимизда ҳар йили излаб араб тили мутахассислари олий ўқув юртлиарида таҳсил олиб, битириб, ўз мутахассислиги бўйича ишлаётганлари ҳақида хабаримиз деярли йўқ. Чунки ЎзФА Шарқшунослик институтини фондларида сақланаётган араб, форс ва туркий тиллардаги беҳисоб манбаларнинг таржимаси билан жуда оз мутахассислар — фидойи шарқшунослар шугулланмоқдалар. Бу ҳолда қўлэмалар фондидаги китобларни она тилимизга таржима қилиш учун яна излаб йил керак бўлиши ҳақида бир манбада ўнгган эдим... Шарқ тиллари мутахассисларини мазкур фондга тақли қилиш учун уларни етарли миқдорда ойлик маош билан таъминлаш зарур, токи у нодир мутахассис соҳиблари маоши етарли бошқа иш излаб, ноёб касблари билан видолашмасликлари керак, деб ўйлайман...

— 2014 йилда Бобур номли халқаро жамоат фонди билан ҳамкорликда "Бобур ва бобурийлар библиографияси" номли нашрининг соҳа вакиллари учун айнаи муздао бўлди. Ўзим ҳам соҳага энди кириб келётган пайтларимда интернетда электрон шакли йўқ тадқиқотларни вилоятма-вилоят юриб ахтаришимга тўғри келган эди. Бугун соҳа билан шугулланувчи тадқиқотчилар учун бу библиография огирини енгил қилувчи материал сифатида асқатади. Библиографиянинг гоёси ва босиб ўнгилган машаққатли меҳнат ҳақида сўзлаб берсангиз.

Шокирхон РУСТАМХҲАЕВ:

— Жуда ҳам яхши ва зарур савол... Аслида, менинг Бобур подшоҳ библиографияси билан қизиқиб қилишим бундан илгарироқ бошланган эди. Бир пайтлар Б.Уринбоев ва Қ.Зоробоевларнинг Самарқанда (СамДУ, 2000 йил) босилган "Бобур асарлари ҳақида унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида Самарқанд давлат университетига мавжуд бўлган нашрлар библиографияси" деб номланган 16 бетлик рисолачаси билан танишиб қолдим. Бунда Бобур ва у ҳақидаги асарларнинг 100 га яқини тилга олинган эди, холос. Кейинчалик айнаи шу китобча ҳақида Туркияда босилган "Istanbul Üniversitesi Edebiyat Fakültesi Türk Dili ve Edebiyatı Dergisi Cilt XXXV, 2006. Kurucu: Caferoğlu, İstanbul, 2006, 289 s. / Çagatay Türkçesi Üzerine Bir Bibliyografya Denemesi. S. 17-106"ни учратдим ва уларни ноутбукда кирилл, лотин ва араб ёзувларида бир файл очиб, алифбо тартибда унга жойлай бошладим.

Кейинроқ билсам, ханузгача Бобур ва унинг асарлари ҳақида бундан бошқа библиографик маълумот тузилмаган экан. Бу китобчалар менга шу ишни давом эттиришга туртки бўлди.

Араб дийрларидаги таржимонлик фаолиятим яқунлангач, нафақага чиқдим ва шундан бошлаб, ана дийрим Андижондаги Бобур номли вилоят кутубхонасида мавжуд бўлган Бобур подшоҳга алоқадор бўлган барча библиографик маълумотларни жамлай бошлаган эдим. Кутубхона мен учун иккинчи манзилга айланди ва унинг фидокор ҳодимлари менинг бошлаган ишимга қўларидан келган ёрдамларини аямидилар ҳақида уларнинг фидокорона меҳнатлари қадрига етанди бир ҳодимга айлана бошладим.

Кунларнинг бирисида Андижоннинг Боғишамол даҳасида Президентимиз ташаббуси билан Бобур номидаги халқаро жамоат фонди учун алоҳида бино барпо этилгани, Бобур номидаги истироҳат боғи ичиде "Бобур ва жаҳон маданияти музейи" мавжудлиги ҳақида хабар тоғлиман ва дарҳол боққа бориб, барпо этилган боғ мажмуасини бирма-бир кўриб, ёшлигимда кўрганим қўп-қўрқадирлик шунчалик боғ-роғларга айланганига гувоҳ бўлдим.

Ана Бобур зуриёти, ана замонамиз бобурийлари! Зеро Бобур подшоҳнинг муборак қадами қай ерга етса — у жой боғ ва сайроқларга ҳамда нодир меъморий биноларга айлانган эди-ку... Бунга тарих шохид! Илоҳим, Ватандошимизнинг шу каби ободончилик ва бунёдкорлик амаллари тоабд бардавом бўлгасин!

Мазкур музейга кириб, 1992 йилдан бошлаб Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция томонидан бир неча йиллик сафарлари давомиде Ватанимиздан ва хоржий мамлакатлардан олиб келинган хилма-хил тиллардаги излаб нусхадаги нодир китоблар билан танишиб қикдим. Маълум бўлдики, ушбу музейдаги мавжуд китоб ва улар ҳақида библиографик маълумот рисола шаклида ҳали нашр қилинмаган экан.

Бу пайтларда фонд раҳбари — тиниб-тинчимас инсон Зокиржон Машрабов навбатдаги чет эл сафариде эканлар. Фурсатини бой бермасдан шу фонд фаолларидан бири, устозимиз Сайфиддин Жапилов домла хузурига бориб, бу ҳақида арзимни баён этдим. Шу ондаёқ домламиз музей мудирасида мени таништириб, "Жаҳон маданияти ва Бобур музейидаги адабиётлар библиографияси"ни тузишга ёрдам беришни тайинлади ва бир неча ой мобайнида мазкур 150 саҳифалик китоб профессор Ҳамидулла Болтабоев муҳаррирлигида Тошкентда 2011 йилда дунё юзини кўрди ва бу нашр музейдаги 500 га яқин адабиётларни ўз ичига олган эди.

Бир йил ўтиб, ушбу библиографиянинг иккинчи, тўлдирилган наشري пайдо бўлди. Унга Тошкентдаги Алишер Навоий кутубхонасидаги адабиётлар ҳам киритилди, шунингдек, таникли библиограф Зухра Бердиева билан ҳамкорликда 2014 йил 482 бетдан иборат бўлган "Бобур ва бобурийлар библиографияси" нашр этилди.

Элмира ҲАЗРАТҚУЛОВА:

— Кейинчалик бу нашрини тўлдирган ҳолда Москвада таникли ўзбек тадбиркори Алишер Усмонов ҳомиилигида катта ададда чоп эттирилиши эришилди. Бу китоб ҳам ўзбек илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда илқ эътироф этилди.

Шокирхон РУСТАМХҲАЕВ:

—Нукусдаги марказий кутубхонада ҳодимлар билан учрашувим бутунлай бошқача бўлди. Улар мени қаердан ва нима максадда сайр қилиб юрганини билишгач, деярли барчалари Бобуршун ва бобурийлар ҳақида қаракалла, рус ва ўзбек тилларида бор адабиёт ва журналларни олдимга жамлаб қўйишди. Шу пайтгача биронта ви-

лоят кутубхонаси ҳодимлари бундай иш қилмаган эди. Таажжуб... Бундан ташқари, Нукусдаги университет кутубхонасига телефон қилишиб, менга керакли адабиётларни ҳозирлаб қўйишни илтимос қилишди... Ана, ҳақиқий кутубхоначилар, ана одамгарчилик, ана инсонийлик, ана илмга фидоийлик! Офарин!.. Бу ажойиб кутубхоначилар билан хайрлашиб, айтилган университетга борсам, аллақачон барча китоб, журнал ва зарур адабиётларини ҳозир қилиб қўйишган экан. Тезликда ишим битди ва уларга ҳам китобимиз нашр бўлса, етказиб беришни ваъда қилиб, хайрлашдим.

Эртасига тондан Самарқанда йўл олдим. Тарихий ёдгорликлар билан танишиб, вилоят кутубхонасидан ва Самарқанд давлат университети кутубхонасидан (анча бойроқ экан), маълумотларни тўплаб олдим. Ундан Навоий, Гулистон ва Жиззах вилоят кутубхоналарида ҳам бўлиб, ноутбукимни анча тўлдириб олдим. Охири яна Тошкентга қайтиб, она дийрим Андижонда чала ишларимни ниҳоясига етказдим.

Энди навбатдаги сафарим Қозон шаҳрига бўлди. Бу шаҳарда кенжа ўғлим Баҳодирхон истиқомат қилар эди. Қозон кутубхоналаридан ҳам жуда бой маълумотлар тўплай олдим. Қозон миллий кутубхонасида сақланаётган Н.И.Ильминскийнинг 1857 йил 508 саҳифада босилган "Бабер-Наме или записки Султана Бабера" номли асл матнда битилган "Бобурнома"нинг араб ёзувидаги китобини қўлим билан ушлаб, муқаддас китобини таваф қилдим.

Кейин Санкт-Петербург шаҳрида ҳам 2 ойча ЛДУ кутубхонаси ва Шарқ факультетининг бой кутубхоналаридан керакли мақоаларини тўплаб олдим. Ундан кейин Иваново шаҳрида бир ой мобайнида (ўртанча ўғлим Фуад у ерда яшар эди) шаҳарнинг каттагина кутубхонасидан фойдаландим.

Сўнг Москвага келиб, барча тўплаган нарсаларимни жамласам, опти жилдлик қўлэмга пайдо бўлди: ундан бир жилди — "Бобур ва бобурийлар библиографияси" ҳамда 5 жилд "Бобур ва бобурийлар". Қомусий, илмий ва илмий-оммабоп мақоалар тўплами".

—Ҳа, Россия Фанлар академияси қошида Тиллар институтини биносига қўзим тушган эди, ўша институтга бордим. Институт ректори ўз жойида экан, опти жилдлик қўлэмзамини олдиға қўйиб, ўзимни таништирдим ва мақсадга ўтсам, мenden дарҳол: "Бобур қайси тилда ижод қилган? Туркийми?" — деб ўзи жавоб бера қолди. Мен: "Ҳа!" — дейишим билан котибасига: "Бу кишини Анна Владимированинг ёнига олиб бориң!" — деди. Котиба менинг китобларимни кўтаришиб, институтнинг узун йўлаклари бўйлаб "Оптой тиллари бўлими" деб ёзилган кабинетга етаклаб борди. Кабинетда кичкинача, озгин, 50-55 ёшлар чамасидаги аёл ўтирган экан. У саломимга алик олиб, китобларимга бир назар солид-да, қаерданлигимни сўради. Айтдим. У дарҳол мақсадга кўчиб: "Бу асарларни нашр қилиш учун жуда катта маблағ керак бўлади, назарингизда бирон киши борми?" — деб сўради. Мен: "Бор, мен у кишини биламан, аммо у киши билан қўришмаганмиз", — деб жавоб бердим. У аёл шу онда: "Алишер Усмоновми?" — деб сўради. Мен тасдиқ жавобини айтдим.

Олима аёл дарҳол интернетни ёқиб, бир нарсаларни қидира кетди ва топди, шекилли, компьютерига бир саҳифага матнини тўхтовсиз ёзди. 5-6 дақиқадан сўнг менинг исм-шарифим ва телефон рақамларимни сўраб олди-да, "Россия Фанлар академияси муҳбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Анна Владимировна Диб" деб имзо чеккач, менга қараб: "Ўн-ўн беш кундан кейин бир хабар олпарсиз!" — деди ва агар хоҳласам, китобларни қолдириб кетишим мумкинлигини айтди.

Мен водийлик беш-олти муҳожир ишчилар билан Митишчи районида бир хонадонда ижарада яшар эдим. Уларга бўлган воқеани сўзлаб берсам, улар: "Азиз биродар, икки ҳафтадан кейин янги йил (2013) бўлади, ундан кейин яна икки ҳафта байрам қилишадиган. 15-20 январгача бемалол Ватанга бориб келишингиз мумкин", деб маслаҳат беришди. Менга маъқул бўлди-да, Қозон шаҳрида истиқомат қилаётган кенжа ўғлим Баҳодирхон қориникига бориб келишни афзал билдим ва Қозонга жўнаб кетдим.

Маслаҳатга биноан, 20 январда Масковга қайтиб бордим ва илмий раҳбарим Анна Владимировна хузурига кириб борсам, у: "Мана, ватандошингиздан ўтган йил охиридаги жавоб хати келган, сиз қаерларда юрибсиз?" — деди. Узр айтган бўлдим... Кўп ўтмасдан, тадбиркор Алишер Усмонов ширкатига "Санъат, фан ва спорт" хайрия фонди бошлиғи бўлиб ишлайдиган бир аёл ҳодим кириб келди. У ўзини таништириб, бир опти жилдлик қўлэмга, бир камина оқсоқол-мўйса-фидга кўз ташлаб: "Шу ёшингизда шунча китобларни тайёрлабсиз-а! Сизга таъзим қилиш керак!" — деб бошини сарак-сарак қилди. Илмий раҳбар менга назар ташлаган эди, мен: "Кечирасиз, бизнинг Пайғамбаримиз: "Агар инсон инсонга таъзим қиладиган бўлса, фақат аёлларнинг ўз эрларига таъзим қилишларини буюрган бўлар эдим, холос!" — деган эдилар. Бу асло мумкин эмас!" — деган бўлдим... Фонд бошлиғи эса: "Ҳар қалай, бу жуда улкан жасорат!" — деб қўйди.

Унинг айтишича, Алишер Усмонов: "Бориб, илмий раҳбарга айтинг: мазкур китобларни энг яхши сифатли қўғозда, энг чиройли муқовада нашр қилишимиз ҳамда у китобдан Ислон хиди ўғуриб турсин! Минг нусха бўлсин, ярмини ўзлари тарқатишимиз, қолгани босиб бўлсин. Қанча пул кетса, ўтказиб бериң!" — деб буюрибди.

Ана энди иш қизиб кетди... Шу кундан бошлаб, собиқ Ленин, ҳозирги Россия давлат кутубхонасида чала ишларимизни давом эттирдик. Шу ку-

тубхонада библиография бўлими мудираси билан шартнома тузиб, библиография китобини нашрга тайёрлаб беришга келишиб олдиқ. У бўлгуси библиографик китобимизнинг ҳар бир мақоласини бирма-бир синчиклаб текшириб, керак жойларини тузатиб, тўғрилаб чиқа бошлади. Шу орада мен кутубхонада биз тўплаган маълумотларга яна қўшимча мақоаларини киритиб борар эдим. Бир ярим-икки йил мобайнида библиография китобимиз қўлэмзаси қайта тайёрланди. Илмий раҳбаримиз қўлэмзани қайта кўриб чиққач, китобни ўша пайтдаги Москвада энг сифатли ҳисобланган машҳур "Шарқ адабиёти нашриёти" билан шартнома тузиб, қўлэмзани топширдик. Нашриёт раҳбари энг тажрибали рассом, техник муҳаррир ва компьютер дизайнерига тайинлади. Китобларни қисқа муддатда энг сифатли фин қозғида ва зарҳал харфлар билан тилла ранг муқовада, 2016 йил 124 босма табоқ ҳажми — 1183 саҳифа, 1000 нусхада нашр этиб, қўлимизга тутқаздишди. Алҳамдулиллаҳ!

Дарҳол китобнинг бир боғлами — 3 нусхасини хайрия фонди раҳбари Алишер Усмоновга етказиб борган эдик, у киши қабул қилиб, китобнинг қолган ҳамма нусхаларини бизнинг ихтиёримизга тақдим этди. Биз чуқур миннатдорчилик билдирдик. Кўп раҳмат ва ташаккурлар айтдик.

Шундан сўнг мазкур библиография китобимизни Москвадаги Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Хитой, Корея, Япония, Миср, Туркия, барча Европа давлатлари, собиқ СССРдан ажралиб чиққан барча республикалар элчионаларига тарқатиб чиқдик. Германия ва Хитой элчионалари биздан расмий хат талаб қилишди, қолганлари индамай олиб қўяверишди. Албатта, Марказий Осиё республикаларига ҳам элтиб бердик. Туркманистон элчионаси сира олишга рози бўлмасдан, оқ тираб туриб олди. Хилма-хил тузумлар ва одамларга дучор бўлдиқ, ҳаммаси омон бўлишсин. Китобларимизнинг ярим-ёртисини элчионалар орқали тарқатган бўлсак, бир қисминини ўз ҳисобимиздан боқона харажатларини зиммамизга олган ҳолда, Тошкент шаҳрига олиб келиб тарқатдик.

Элмира ҲАЗРАТҚУЛОВА:

— 2023 йилда биз яна бир кутлўғ нусха гувоҳ бўлдиқ. Энди "Бобур ва бобурийлар". Қомусий, илмий ва илмий-оммабоп мақоалар тўплами" 5 та катта жилддан иборат қўринишда ёлхосмандан қўлига етиб борди. Айтинг-чи, бу нуфузли нашрини амалга оширишда қатнашган жамоа аъзоларининг иштироки қандай бўлди?

Шокирхон РУСТАМХҲАЕВ:

— Ҳа, айтмоқчи, беш жилдлик китобимизнинг 1-жилдини 300 нусхада тайёрлаб чиқардик, қолгани навбат келганида биз турган давлатга санциялар қўйилиб, бой отамизнинг ҳам хоржидаги мол-мулкларни ҳам чектовга тушиши оқибатида, хайрия фонди иши вақтинчалик тўхтаб қолди.

Озодлик муҳридир бу, туғрога боқ...

1-6

БИРИНЧИ ДАРС

Бу отанг, бу онанг, бу ер, бу осмон,
Бу эшик, бу бешик, муборак кўргон,
Бу ўчоқ, бу тандир, қайнаган кумфон —
Ватандир, Ватандир, азиз болажон!

Бу умр, бу ҳаёт, ёз, куз, киш, баҳор,
Қир-адир, тоғу тош, салобат, виқор,
Гоҳ лойқа, гоҳ тиниқ оққан бу анҳор —
Ватандир, Ватандир, азиз болажон!

Бу кеча, юлдузлар, порлаган моҳтоб,
Бу кундуз, бу иссиқ нур сочган офтоб,
Бу мактаб, бу қалам, бу дафтар-китоб —
Ватандир, Ватандир, азиз болажон!

Мана, бу дала-дашт, бугдойзор, деҳқон,
Серҳосил болга кон бу бог, бу богбон,
Бу нон, бир бош узум, очиқ дастурхон —
Ватандир, Ватандир, азиз болажон!

Қанча ғам-ҳасратни кўрган бу чинор,
Қанча дард-армонни енгган бу минор,
Буми, чап кўксимда... қонаган... анор —
Ватандир, Ватандир, азиз болажон!

Озодлик муҳридир бу, туғрога боқ,
Мағрур ҳилпираган бу байроқ — маёқ,
Бу қўшиқ — мадҳия, абадий сабоқ —
Ватандир, Ватандир, азиз болажон!

ҚАШҚАДАРЁ

Азал Ипак йўлин эшиги бўлган,
Хўб улуғ зотларнинг бешиги бўлган,
Ўн саккиз минг олам ошиги бўлган,
Келинг, кўринг энди Қашқадарёни!

Оламга таралган энг шонли дoston —
Шаҳри Кеш ўғлони Темурбек хоқон,
Ўйласам, кўзимнинг устида жаҳон,
Келинг, кўринг энди Қашқадарёни!

Осмонларга елка тутган Оқсарой,
Янги замонларни кутган Оқсарой,
Бугун муродига етган Оқсарой,
Келинг, кўринг энди Қашқадарёни!

Насафий боболар, Кеший боболар,
Ҳисордан таралган хушбўй ҳаволар,
Бугун юрагимда рангин наволар,
Келинг, кўринг энди Қашқадарёни!

Кўксимни ўртайдй йиллар армони,
Сўз билан тирикдир миллатнинг жони,
Абдулла Ориф бор — ўзбекнинг шони,
Келинг, кўринг энди Қашқадарёни!

Кўкдала чўл деманг, чўллар ҳам обод,
Манзилга элтгувчи йўллар ҳам обод,
Бундай саодатдан диллар ҳам обод,
Келинг, кўринг энди Қашқадарёни!

Қовун-тарвуз, олма-анорлари бор,
Соялари қуюқ чинорлари бор,
Асрлардан сўйлар минорлари бор,
Келинг, кўринг энди Қашқадарёни!

Хирмонга барака тоғда қорлари,
Ризқи рўз — пахтазор, бугдойзорлари,
Бор бўлсин, миришқор, тадбиркорлари,
Келинг, кўринг энди Қашқадарёни!

Курашда, санъатда, илмда илдам,
Фарзандлар ютуғи — энг улуғ байрам —
Қўпқари чопади юзга кирса ҳам,
Келинг, кўринг энди Қашқадарёни!

Мавжингдан нурланар диллар, Ҳисорак,
Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қарши — Муборак,
Шавкати ҳеч сўнмас толедан дарак,
Келинг, кўринг энди Қашқадарёни!

Шоирман, қалбимда ўйларим кўпдир,
Сен ҳақда қўшигим, куйларим кўпдир,
Байрамларим кўпдир, тўйларим кўпдир,
Келинг, кўринг энди Қашқадарёни!

УЛУҒБЕК ЮЛДУЗЛАРИ

Кўнглимга иссиқ нур беради офтоб,
Фируза осмондан боқиб кундузлар.
Кечалар оқ меҳр тутади моҳтоб,
Мирзо Улуғбекдан сўйлар юлдузлар.

Булбулнинг бир маҳзун, ғамгин бўзлари,
Юракнинг ҳаётга ташна рўзлари,
Бу дунёдан очик кетган кўзлари —
Мирзо Улуғбекдан сўйлар юлдузлар.

Бир қутлуг дуодир “Зижи Кўрагон”,
Фақат меҳр топсин гадоми, султон,
Дунё, қўлларингни энди қилма қон,
Мирзо Улуғбекдан сўйлар юлдузлар.

Умринг беш кун экан, билдим-ку, дунё,
Ошиқ ўлимга ҳам қилмайди парво,
Ойнинг атрофида жам бўлиб гўё,
Мирзо Улуғбекдан сўйлар юлдузлар.

“Тўрт улус...” тилида қўшиқ — Самарқанд,
Юлдузлар ҳам сенга ошиқ, Самарқанд,
Фалак дарвозаси очиқ — Самарқанд,
Мирзо Улуғбекдан сўйлар юлдузлар.

Токи поёни йўқ шу коинот бор,
Асло поён билмас муҳаббат — асрор,
Зимистон дилларга улашиб баҳор,
Мирзо Улуғбекдан сўйлар юлдузлар.

ҲАЁТ ВА САҲНА

Дилноза Кубаевага

Оҳ, хурлиқо,
Оҳ, малаксиймо!
Лабларида алвон табассум,
Кўзларида уммон қадар мунг.
Тонгдай чиқар саҳнага, маъсум,
Тонг қотади томошабин, гунг.

Оҳ, хурлиқо,
Оҳ, малаксиймо!
Қулоқ тўтиб юрак зарбига,
Тўлдиради саҳнани буткул.
Унга боққан кўзлар қалбига,
Бир лаҳзада ташлайди ўт, Гул.

Оҳ, хурлиқо,
Оҳ, малаксиймо!
Саҳна дордек қалтис ўйиндир,
Билиб бўлмас, ким дўсту ким ёв.
Лангарини тартади кимдир,
Силкитади дорни ҳам биров.

Оҳ, хурлиқо,
Оҳ, малаксиймо!
Роль ўйнайди ўзин аямай,
Гоҳи Кумуш, гоҳида Зайнаб.
Гоҳ юрагин тутади гулдай,
Гоҳ юрагин беради чайнаб.

Оҳ, хурлиқо,
Оҳ, малаксиймо!
Минг йил яшар ошиқлар, ишон,
Солиб бўлмас йўлига рахна.

Умр каби роль ҳам бепоён,
Ҳаёт каби мангудир саҳна.

НИМА ҚИЛАМИЗ?

Жамшидга

Касларга дил ёриб нима қиламиз,
Пастларга ёлвориб нима қиламиз?
Дилни дардга қориб нима қиламиз,
Ёмонларга бориб нима қиламиз?

Оппоқ-оппоқ кундузларга борамиз,
Олис-олис юлдузларга борамиз,
Дарахтларга, илдизларга борамиз,
Хазонларга бориб нима қиламиз?

Камалак ранг товушларга борамиз,
Кўклаш учун унишларга борамиз,
Асл тилло, кумушларга борамиз,
Арзонларга бориб нима қиламиз?

Соғ-саломат бардамликка борамиз,
Бир дам эмас, ҳар дамликка борамиз,
Бирлашмоққа, бирдамликка борамиз,
Тўзонларга бориб нима қиламиз?

Лайли деймиз, Мажнун бўлиб борамиз,
Ғам емаймиз, мамнун бўлиб борамиз,
Жамолига мафтун бўлиб борамиз,
Сарсонларга бориб нима қиламиз?

Пари пайкар, маҳи пайкар турганда,
Тиллари бол, лаби шакар турганда,
Кўз ичинда нури гавҳар турганда,
Армонларга бориб нима қиламиз?

Жамшид жоми майга тўлди, Ҳақ берди,
Карами кенг насиямас, нақд берди,
Мингта қайғу, яна шунча бахт берди,
Сомонларга бориб нима қиламиз?

ИЛОҲИ...

Илоҳи, руҳимда, вужудимдасан,
Ғаҳи исён, ғаҳи сужудимдасан.

Илоҳи, йўлимни қай томон бурдим,
Ўзимни гоҳ музга, гоҳ ўтга урдим.

Илоҳи, тўлқинда — авбощадирман,
Икки қирғоқ аро талошдадирман.

Илоҳи, дил — қуёш, сўнган эмасдир,
Нурсиз тақдирларга кўнган эмасдир.

Илоҳи, мен учун сўздир мусалло,
Зикр этиб, шукр этиб қилдим тавалло.
Илоҳи, қай манзил, маконни кездим,
Борлигинг, бирлигинг ҳамиша сездим.

Илоҳи, қаломинг қалом айладим,
Саломат бўлай деб салом айладим.

Илоҳи, дунё не, бари хор-хасдир,
Сен ва Ҳабибинг бор, шу менга басдир.

СЎЗ ОҚАР ТОМИРИМДА

Қон ўрнида қон бўлиб
сўз оқар томиримда,
Жоним ўртаб бир оху
кўз оқар томиримда.

Оламларни яшнатиб
баҳор оқғай, шубҳасиз,
Сархил-сархил мевали
куз оқар томиримда.

Мен қуёшдан нур ичиб
катта бўлганман асли,
Қаҳратонда ловуллаб
муз оқар томиримда.

Ошиқ бўз йигит ҳолин
англамади, маликам,
Айрилиқ азобидан
бўз оқар томиримда.
Мен ташна ошиқ тўйдим
на гулга, на бўйига,
Ойларга ойна тутган
юз оқар томиримда.

Узоқларда қолган ёр,
сендан кўз узиб бўлмас,
Орамизда минг йиллик
рўз оқар томиримда.

Ҳаётнинг аччиқ-чучук
неъматларин тотялман,
Ғаҳи бол-шакар, ғаҳи
туз оқар томиримда.

Худонинг тақдирига
тахрир қалами йўқдир,
Алмийсоқдан келган бир
из оқар томиримда.

ҲОЛ

Жоним, баҳор келди, гулзорга тўйдим,
Гуллардан таралган ифорга тўйдим,
Булбуллар чаҳ-чаҳи, гуфторга тўйдим,
Фақат кўзларингга боқиб тўймадим.

Тўйдим саратонда чўгга, оловга,
Тўйдим жонни ёққан ғовга, буровга,
Тўйдим жонга ёққан мактов — сийловга,
Фақат кўзларингга боқиб тўймадим.

Куз келиб, заъфарон хазонга тўйдим,
Сочингдек ингичка мезонга тўйдим,
Ҳажрингда оҳ ила афғонга тўйдим,
Фақат кўзларингга боқиб тўймадим.

Тўйдим қиш келганда изғирин, музга,
Тўйдим совуқ қорда кўмилган изга,
Тўйдим оқ ўраган қирмизи юзга,
Фақат кўзларингга боқиб тўймадим.

Томоша-тўйларга тўйдим, ёрижон,
Қолиб не қўйларга, тўйдим, ёрижон,
Тумонат ўйларга тўйдим, ёрижон,
Фақат кўзларингга боқиб тўймадим.

ҚАЙСАР ОШИҚ НОЛАСИ

Гарчи ҳаёлингсиз ўтган куним йўқ,
Лола дудогингдек юрак-бағрим қон.
Ўйлама, кўнгли бор деа, кўнглим йўқ,
Жоним, севмаганман сени ҳеч қачон.

Жонимни қуйдириб қуйладим, холос,
Ҳечам қуйганим йўқ қўйингда, ишон.
Фақат кўзларимда жиққа ёш — ихлос,
Жоним, севмаганман сени ҳеч қачон.

Қараган эмасман йўлингга асло,
Кўзларим тўрт бўлиб қутганим ёлғон.
Бўлсам ҳам Мажнундек ишққа мубтало,
Жоним, севмаганман сени ҳеч қачон.

Ичимда ҳеч сўнмас чироқ бор, чироқ,
Шу боис йўлларим ёруғ, чароғон.
Менга жонимдан ҳам азизсан, бироқ,
Жоним, севмаганман сени ҳеч қачон.



Муаллиф ҳақида:

Ғайрат МАЖИД — Қашқадарё вилояти Китоб туманида туғилган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида тахсил олган. Шоирнинг “Гул санам”, “Ҳеч кимга ўхшамайсан”, “Сени соғинаман”, “Кўксимдаги юлдузлар”, “Ишққа борар йўл”, “Боболарим юрти”, “Оқ-қушларга айланар юрак”, “Айиқчанинг туши”, “Бунда булбул китоб ўқийди”, “Мумкин эмас сенинг йиғлашинг”, “Беш дарс”, “Йўлдаман, нурли йўлда”, “Ишқ айёми”, “Оппоқ табассум” каби китоблари нашр этилган. Шеърлари турк, озарбайжон, қирғиз, қозоқ, туркман, татар, тожик, қоракалпоқ, инглиз, рус, араб, белорус тилларига таржима қилинган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари лавозимида ишлайди.

Фақат тушунмайман бу ҳолни, зотан,
Мангу тўхтамайди юракда вулқон.
Нечун севиб туриб сўйлайвераман,
Жоним, севмаганман сени ҳеч қачон!

ЮРАК НОЛАСИ

Чиройингдан ойлар келиб дарс олган,
Атиргуллар аtringдан кўп қарз олган.

Кунсулуплар, Ойсулуплар лол сенга,
Бир ярашган гулзояинг ол сенга.

Лафзи ҳалол, лаблари ол болмишсан,
Юрагим йўқ, юрагимни олмишсан.

Балиқлар кўп, вале денгиз биттадир,
Хусну малоҳатда тенгсиз биттадир.

Жонни ўртар савдо ҳам кўп эмасдир,
Менинг каби шайдо ҳам кўп эмасдир.

Умрим кечар сен кўзлари оху деб,
Сенсизликдан кечар бўлдим, ёху деб.

Яралгандан жонимдасан, ҳамонсан,
Азал, абад ҳам ҳозир замонсан.

Ошиқ жонни ўз забтига олгансан,
Аямасдан ишқ ўтига солгансан.

Қош қораймай, ёр қошига бор десам,
Бошим ёрмай, ёлбор, кўнгил ёр десам.

Измингдаман, изларингни излайман,
Ёрни топ деб, қон дилимни тезлайман...

Чиройингдан ойлар келиб дарс олган,
Атиргуллар аtringдан кўп қарз олган.

Сайёра САМАНДАР

Мардлар билан юксалгайдир юртнинг қадри

ИККИНЧИ ҚАСАМ

(Ҳарбийнинг ўз аёлига айтганлари)

Мен Ватанни асрайман дедим,
Йигит бўлиб ичмади онт, қасам.
Аммо қасам ичмабман сенга,
Дурустроқ бир ўйлаб қарасам.

Сен ҳам мендай бедорсан тунлар,
Қуш тинса-ҳа, билмайсан тиним.
Ўзингни ҳам ўйла, дейишга
Айланмабди бир бора тилим.

Йўл қарайсан юрак ҳовучлаб,
Омон кириб келсин деб мени.
Аммо нечун кўзингга қараб,
“Ҳаётимсан” демабман сени?

Тиз чўкаман сенинг пойингда
Ва энтиқиб қасам ичаман.
Ватан учун агар жон чексам,
Сен учун ҳам ўздан кечаман!

Сенсан менинг жонимга қувват,
Ҳушёр тортди ногоҳ ҳаёлим.
Ичилмаган қасамлар ҳаққи,
Сен ўзингни асра, аёлим!

Қўлингдадир менинг бор мулким —
Отам, онам, болам ва орим.
Мен Ватанни асрагунча то
Сен уйимни асрагил, ёрим!

Уйим — менинг буюк Ватаним,
Томиримни уйғотган шоним.
Жоним ётар сенинг пойингда,
Остонамни асра, аёлим!

Асли мени ботир айлаган
Ҳимоячим, қорачиғимсан.
Дуо қилиб, икки кафтингда
Балолардан асрагувчимсан!

Қасам ичган эдим бир вақтлар,
Ватан учун вужудим ёниб.
Икки қаро кўзинг олдида
Бугун дилим ўртанди оғриб.

Иккинчи бор турдим қасамга:
Бир бошқача титради жоним.
Еру осмон кўзим ўнгида
Жамолингга ўхшади, ёрим.

Сен ёнимда бор бўлсанг агар,
Рухим синмас, эгилмас бошим.
Сенинг билан бутунман, тикман —
Ватан каби азиз йўлдошим!



ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ШУ ХАЛҚ УЧУН!

Юртнинг шаънин кўтаргали ўғлон керак,
Шамолларга елка тутар тўғон керак,
Эп меники деган қадди осмон керак,
Ватан учун мудом кўкси қалқонларим,
Юрт тинчлиги учун бедор посбонларим!

Бахшидадур ҳаётингиз бир аҳд учун —
Ватан учун, миллат учун, шу халқ учун!

Сизга ёрди Жалолиддин жасорати,
Соҳибқирон Амир Темур адолати,
Улуғбеклар, Бериунийлар заковати,
Ватан учун мудом кўкси қалқонларим,
Юрт тинчлиги учун бедор посбонларим!

Яралгансиз дилда шиддат ҳам шахд учун —
Ватан учун, миллат учун, шу халқ учун!

Байроғини бермас асло элнинг марди,
Мардлар билан юксалгайдир юртнинг қадри,
Бўлмас элнинг хавотири, дилда дарди,
Ватан учун мудом кўкси қалқонларим,
Юрт тинчлиги учун бедор посбонларим!

Фидодирсиз олий неъмат ва бахт учун —
Ватан учун, миллат учун, шу халқ учун!

Ҳаётингиз бир қасамга тикилгандир,
Юрагингиз шу тупроққа экилгандир,
Ўзбекистон билан пайванд этилгандир,
Ватан учун мудом кўкси қалқонларим,
Юрт тинчлиги учун бедор посбонларим!

Омон бўлинг ўзбек деган ул нақд учун —
Ватан учун, миллат учун, шу халқ учун!



Муаллиф ҳақида:

Сайёра САМАНДАР — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, филология фанлари номзоди, доцент, “Шуҳрат” медали соҳибаси.

Муаллифнинг “Сизга айтолмаган сўзларим”, “Кўнглим”, “...Ва яна баҳор”, “Озодликдек бахт йўқдир”, “Фақат ишқ...” номли шеърӣ тўпламлари чоп этилган.

Ўзбек адабиёти, жаҳидлик ҳаракати намоёндаларининг ҳаёти ва ижодини тадқиқ қилишга бағишланган қатор илмий мақолалари чоп этилган. Шеърлари турк, озарбайжон, ҳинд, инглиз, туркман тилларига таржима қилинган.

Шоиранинг газаллари, машрабона шеърлари, Алишер Навоӣй, Нодирабегим ва Увайсий газалларига боғлаган муҳаммаслари, тўртликларида лирик кайфият, руҳиятдаги мураккаб кечинмалар ўзига хос бадиӣй талқин қилинган. “Туркон хотун билан уч баҳс” номли драматик достони буюк Хоразмшоҳлар давлатининг таназулгга юз тутиши сабабларининг янгича талқин этилгани билан эътиборга молик. 30 га яқин шеърлари куйга солиниб, ҳалқимизнинг сеvimли қўшиқларига айланган.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Бугунги кунга келиб, сир эмаски, сунъий интеллект технологиялари кундан-кунга дунё миқёсида иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик ва бошқа муҳим йўналишларда асосий воситалардан бирига айланмоқда ҳамда давлат бошқарувида самарадорлиқни ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилашга кўмаклашмоқда.

Жаҳон бозоридаги рақобат энди табиий ресурслар ёки арзон ишчи кучига эмас, балки маълумот, алгоритм ва ҳисоблаш қувватига асосланмоқда. Бу шароитда сунъий интеллект (СИ) технологияларига эътибор бермаган мамлакат модернизация жараёнларидан ортда қолиши тайин.

Сунъи йилларда Ўзбекистонда ҳам бу соҳада тизимли ислохотлар амалга оширилиб, мамлакатимиз сунъий интеллектни татбиқ этиш бўйича ҳалқаро рейтингда 17 поғона юқорилади. Ҳозирда юртимиз 188 давлат ичида 70-ўринни, Марказий Осиё бўйича эса биринчи ўринни эгаллаб турибди.

2025 йил 22 октябрда Президентимиз томонидан қабул қилинган “Сунъий интеллект технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон ҳамда 2024 йил 14 октябрдаги “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент қарорини ана шу глобал технологик раёбатда Ўзбекистоннинг ўз ўрнини мустақамлашга қаратилган муҳим стратегик ҳужжатлар сифатида тарихий аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ўтган йил мамлакатимизда АТ хизматлари экспорти илк бор 1 миллиард долларни ташкил этгани, 2030 йилга бориб, АТ хизматлари экспортини 5 миллиард долларга етказиш бўйича катта марра олингани, шу боис жаҳон бозорида рақобатбардошлиқни ошириш учун АТ инфратўйимчасига инвестиция киритиш учун қатор имтиёзлар берилгани алоҳида таъкидланди.

Президентимиз Мурожаатномада стратегик вазифа сифатида белгилаб берганидек, жорий йилда Тошкент шаҳри, Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоятларида 4 та “Дата марказ”, 2 та супер-комп-

РАҚОБАТБАРДОШЛИК САРИ
СТРАТЕГИК ҚАДАМ

ютер ва 15 та олийгоҳда, шулар қатори Фарғона давлат техника университетига сунъий интеллект лабораторияси фаолияти йўлга қўйилади. Бу — тиббиёт, транспорт, қишлоқ хўжалиги, геология, банк-молия, жамоат хавфсизлиги каби муҳим соҳаларда 100 дан ортиқ сунъий интеллект лойиҳаларини амалга оширишга замин яратди.

Бугунги кунда минглаб иқтидорли ёшларимиз АТ ва сунъий интеллект бўйича изланиш олиб бормоқда. Уларнинг квант, дрон, робототехника каби йўналишлардаги конструкторлик лойиҳаларини амалиётга татбиқ қилиш учун Рақамли технологиялар маркази ташкил этилиши кўзда тутилган бўлиб, Осиё тараққиёт банки буни қўллаб-қувватлаб, 200 миллион доллар ажратишга тайёрлигини билдирди.

Бу ҳужжатлар сунъий интеллектни алоҳида инновацион йўналиш эмас, балки иқтисодиётни таркибий янгилаш, давлат бошқарувини оптимallashtириш ва инсон капитали сифатини оширишнинг асосий драйвери сифатида белгилаб берди. Энг муҳими, соҳанинг 2030 йилга қадар ривожланиш траекторияси аниқ индикаторлар ва вазифалар асосида белгилаб олинди.

Фарғона давлат техника университетида 2026 йилда сунъий интеллект лабораториясини ташкил қилиш юзасидан университетга бириктирилган “Бизнесни ривожлантириш банки” билан 2025 йил октябрь ойида келгусидаги икки томонлама амалга ошириладиган ишлар муҳожама қилинган, бир қатор ташкилий масалалар қўрилган ва амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинган, шунингдек, Президентимизнинг Мурожаатномасида сунъий интеллект бўйича илгари сурилган стратегик вазифалардан келиб чиққан ҳолда биргина Фарғона давлат техника университетида ташкил қилинаётган “Сунъий

интеллект маркази”да сунъий интеллект технологиялари бўйича инфраструктура ташкил этишда эътибор қаратилиши лозим бўлган қатор жиҳатларга асосий ўрғу берилди. Марказ концепциясини шакллантиришда шу йўналишдаги етакчи хорижий олий таълим муассасалари мутахассислари жалб қилинди.

Хусусан, АҚШнинг “Fulbright” дастури доирасида Индиана университетининг сунъий интеллект соҳаси мутахассислари жалб қилинган. Киберхавфсизлик йўналишида Швециянинг Лунд ва Ёнчопинг университетлари, Германиянинг Постдам университети, саноатда сунъий интеллект технологияларини жорий қилишда Жанубий Кореянинг Улсан университети (“Hyundai”) корпорацияси билан ҳамкорликда биринчи босқичда 10 млн долларлик лойиҳа) билан биргаликда амалга ошириш учун ҳалқаро лойиҳалар яратиш кўзда тутилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, сунъий интеллект тадқиқотлари ҳақида гап кетганда, уларни икки асосий синфга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Сунъий интеллект технологияларини яхшилашга қаратилган тадқиқотлар.
2. Мавжуд сунъий интеллект технологияларини соҳаларда жорий этиш бўйича тадқиқотлар.
- Олий таълим муассасаларида, энг аввало, муҳандислик соҳаларида мавжуд сунъий интеллект технологияларини жорий қилишга йўналтирилган тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш сингари вазифалар.
- Албатта, соҳаларда сунъий интеллектни жорий қилишда нималарга эътибор бериш керак, деган савол ҳам туғилиши табиий. Булар қуйидагилар:
 1. Республика ва худудий приоритетлар.
 2. Олийгоҳларимизда асосий саноат ҳамкорларининг саноат эҳтиёжлари.
 3. Олий таълим муассасаларида мавжуд илмий

ва инновацион инфратўйимчаларни янада ривожлантириш.

4. Сунъий интеллект ва танланган муҳандислик соҳаларида кадрлар салоҳияти.
5. Хорижий ҳамкорлар билан олийгоҳлар ва лойиҳалар.
- Юқоридаги критерияларни инобатга олган ҳолда биринчи босқичда ФДТУнинг марказида 5 та лаборатория ташкил этилиши белгиланди:
 1. “AI Research Lab”
 2. “Robotics, Sensors and Communication”
 3. “Intelligent Seismic and Civil engineering”
 4. “Safe intelligence lab”
 5. “Smart City”

“AI Research” лабораториясининг асосий мақсади, биринчи навбатда, айни пайтдаги мавжуд сунъий интеллект технологияларини ўрганишдан иборат. Шунингдек, танланган муҳандислик соҳаларида қўлланиладиган энг мақбул сунъий интеллект моделлари, алгоритмлари ва ҳоказоларни тақдим этиш, муҳандислик соҳаларида олиб борилаётган тадқиқотлар учун сунъий интеллект ечимларини тақлиф қилиш, таълим жараёнига сунъий интеллектни жорий қилиш, сунъий интеллект технологияларини барча таълим дастурларига жорий этишга қўмаклашиш, сунъий интеллект бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб бориш унинг мақсадлари сирасига кирази.

Мақсадларга эришиш учун лабораторияда автоном робот-платформаларни яратиш ва синовлар ўтказиш, атроф-муҳит ва объекларни мониторинг қилишнинг сенсорли ечимлари, мураккаб шароитларда навигация, робототехникада қўриш ва объекларни аниқлаш каби тадқиқотлар устида иш олиб борилади.

Хулоса қилиб айтганда, сунъий интеллект бугунги кунда алоҳида технологик йўналиш эмас, балки мамлакат тараққиётининг барча соҳаларида



сифат жиҳатидан янги босқичга чиқишни таъминловчи стратегик омилга айланмоқда. Ўзбекистонда ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати, қабул қилинаётган фармон ва қарорлар, халқаро ҳамкорлик ҳамда йирик инвестиция лойиҳалари мамлакатимизни глобал рақамли иқтисодиётнинг тўлақонли иштирокчисига айлантиришга туртки бўлмоқда.

Хусусан, Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасининг Иккинчи устувор йўналишида таъкидлаганидек, бу йил юртимизда фаолияти йўлга қўйилган АТ, финтех, сунъий интеллект каби йўналишлардаги маҳаллий стартапларга хориждан 270 миллион доллар инвестиция жалб қилинди. Кейинги йилдан “Рақамли стартаплар” дастурини кенгайтириб, стартап гоёсидан то экспортгача кўмаклашадиган янги тизим йўлга қўйилади. Бунда хусусий стартап марказларини ташкил этиш учун Ёшлар жамғармасидан беш йил муддатга 5 миллиард сўмгача фоизсиз сўуда берилади. Олий таълим масканларининг ўзида қоладиган маблағларнинг 10 фоизи ҳам инкубация марказларини ривожлантиришга йўналтирилади.

Бунинг учун, албатта, иқтисодиётнинг устувор йўналишлари учун юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган кадрларни тайёрлашга эътиборни қучайтиришимиз зарур. Президентимиз бежизга Мурожаатномада “Аниқ фанлар ва техника йўналишидаги олийгоҳларимизга дунёнинг энг нуфузли университетларини жалб қиламиз” деб таъкидламадилар. Энди мамлакатимизнинг меҳнат бозори мутлақо янги архитектура асосида — касб, малака, технология ва таълимни бирлаштирадиган ягона механизм сифатида ишлаши зарур.

Ўқтам САЛОМОВ,
Олий таълим, фан ва инновациялар
вазирининг ўринбосари.

ҲАНГОМАЛАР

ХАРХАШАЛАР

Хотинимнинг кейинги раётларда хархашаси ошгандан-оша бошлади. “Гап”ларининг тури кўпайди: синфдошлар, маҳалладошлар, қариндошлар, курсдошлар ва яна ишхонадошлар. Буларнинг бари текин бўлса майли эди-я, ҳаммаси пулли. Ярминни ўзи тўласа, ярми каминанинг бўйида.

“Эр бўлгандан кейин хотиннинг оғирини енгил қилиш керак!” Бу хотинимнинг қатъий шiori. Етмаганига ҳар ойда қўйлақ можароси. Совчиликка юргандан бери харажатим ошса ояптики, камаймаяпти. Шуларни ўйлаб, бир ҳийла ишлатмоқчи бўлдим. У ҳам бўлса харажатларни камайтириш учун хотинимнинг танобини тортиб қўйиш. Бошқача айтганда, қўрқитиш. Буни қўйидаги усулда амалга оширишни ният қилдим.

Ошхонада ўнг қўлимни пешонамга қўйганча ёлғондан хаёл суриб ўтирдим. Бир пайт бешик тўйига кетган хотиним қўлидаги тоғорасини белига қўйганча ошхонага кириб келди.

— Ҳа, бошлигингиздан гап эшитган одамдай хурпайиб ўтиришингиз бошқача. Нима бўлди? Қўлимдаги тоғорани олай ҳам демайди-сиз-а!

Хотинимнинг бу гапи жуда қўл келди.

— Эшитадиганимни эшитиб ўтирибман. Қўлингидagi тоғорангни кўтариб турмасдан, столнинг устига қўй. Ўзинг қаёқларда юрибсан? — дедим ёлғондан дўқ уриб.

— Маҳмуд сўфининг ўғли Хусан новча оғайнингиз бор-ку, ўшаларниқида бешик тўйи бўлди. Эсингиздан чиқдими? Айтувдим-ку.

— Ҳа, айтувдинг. Қалай, яхши бўлдимми?

— Яхши ҳам гапми? Зўр бўлди. Ўзиям саккиз хил овқат тортса бўлдимми!

— Ҳаммасини едиларингми?

— Қаёқда! Ярмидан кўпи қолиб кетди. Исрофни айтинг, дадаси, исрофни.

— Ҳар туғул, исрофни ўйлаб қолибсан. Аслида, унинг хотиниям сенга ўхшайди. Катта кўзим.

— Ия, ҳали мен шунақа эканманми? Эртаю кеч ёмонлаганингиз-ёмонлаган. Ҳеч мундоқ мақтамас экансиз-да, мени, а?

— Мана шунақа жанжалларингдан маҳалла раисидан гап эшитдим.

— Қанақа гап эшитдингиз?

— Ёмон! Оилавий жанжалларингиз “Hurriyat”да чиқибди, деди.

Хотинимнинг юзи тундлашди. Қошлари чимирила бошлади ва алам билан:

— Ажаб бўпти! Ўзининг хотини қийолмаганига алам қилган-да, — деди ўқрайиб.

— Айтишига қараганда, жанжалларинг ижтимоий тармоқда, яъни “Фейсбук”да ҳам ёритилганимиз.

— Ёритилса ёритилар. У ерда сиз ҳам борсиз. Менга нима?!

— Менга-ку, ҳеч нарса эмас. Эрта-индин ўғлингга қиз қидирмоқчи бўлиб турганингда, бу яхши эмас-да, хотин. Ўғлингни уйла, ўғлингни.

Хотиним бу гапимдан кейин сал бўшашиди ва бирдан:

— “Фейсбук” нима дегани ўзи? — деб сўраб қолди.

Тўғрисини айтсам, хотиним шундай савол беради, деб ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман.

— Ана, биланган ўғлингдан сўра. Жа, мақта-насан-ку, ўғлим ҳамма нарсани билади, деб.

— Бунақа масалани, ҳартугул, ўғлимдан сўрашим керак бўлади. Ўзингизни бошқа пайтда жа Афлотун ҳисоблайсиз-ку! Ё гапим нотўғрими?

Ўйланиб қолдим. Аксига олиб, ўғлим ҳам ўқийда эди. Таваккал жавоб бердим.

— Бу немисча сўз таржима қилинмайди. Гастроном дегандай.

— Ё, тавба, — деди хотиним қўлларини белига қўйиб, — биллагингиздан кейин топган баҳонангизни қаранг-а!

— Топдим! Бу китобнинг бети, варағи дегани, — дедим миямга келган фикрдан қувониб.

— Нима? Ҳали мен китобда ҳам чиқибманми?

— Ҳа, — дедим ўзимни кулгидан зўрга тўхтатиб, — Жанжалларинг сабаб китобда ҳам чиқибсан.

Унинг чимирилган қошлари бирданига ўзгариб, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Вой, қандоқ яхши! Унча-мунча одамнинг номи китобда чиқмайди. Демак, тарихда қолибман. Барака топинг, дадаси! Сиз туфайли тарихда қоладиган бўлдим. Ҳа, айтгандай, олдинги сафар “Hurriyat” газетасидагилар яхшигина қалам ҳақи беришганди. Бу китобингиз, ҳаҳ, оти нимаиди-я, ҳа, “Фейсбук”, бу ҳам яхшигина пул тўласа керак. Қалам ҳақини тўғри ўзимга олиб келинг, тагин бирорта ойимтиллангизга обориб юрманг-а!

Йўқ жойдан ўзимга янги можаро сотиб олдим. Яна қалам ҳақи, яна ойимтилла. Нима дейишимни биллолмай қолдим. Индамай турганимни кўриб, хотин авжига чиқа бошлади:

— Ҳой, дадаси, нега томоғига нарса тикилган одамдай миқ этмайси?! Майли, гап эшитсам, мен эшитаман. Сиз ёзаверинг.

Бошқа китобларда ҳам номим қолсин. Энди отимни ҳам ёзинг. Ҳўпми? Совчиликка бори-сам, “Hurriyat” газетасига қўшиб, ўша китобни ҳам олиб бораман. Шу учун ёзаверинг. Кўрқманг! Ҳамина ёнингизда мен борман. Айтишади-ку: “Дўст бўлсанг ёнимда тур”, деб. Мен сизнинг ажралмас вафодор дўстингизман. Тўғрими?..

— А?!

— Ҳа!

БОЛА ҚАЛБИ

Ишдан келиб, уйга киришим билан худди

Баҳром АКБАРОВ

Тарихда қоладиган хотин

“Меҳрибонлик” туркумидан



Муаллиф ҳақида:
Баҳром АКБАРОВ – 1961 йили Тошкент вилояти, Зангиота туманида туғилган.

1983 йили ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ)нинг кимё факультетини битирган. Бораларга аталган “Митти ботир” номли асари немис ва рус тилида, “Кўркмас ботир ҳақида эртак” китоби рус тилида нашр этилган. Шунингдек, “Кичкинтойлар китоби”, “Ҳаёлимдаги ҳикоялар” ва “Ғалати синов” номли китоблари нашр этилган.

“Шуҳрат” медали билан тақдирланган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси.

АҚЛЛИ МУШУК

Ишдан келсам, хотиним одатдагидан кўра хомушроқ кўринди. Ҳамина қувноқ, шаддод, ўзинча миниглариб ашула хиргойи қилиб юрадиган хотинимнинг ўзини бундай тутишида қандайдир хижиллик бордек туюлди-да, сўрадим:

— Ҳа, тузумкисан? Ахволларинг яхшими?

— Ҳимм, яхши, — деди у секингина.

Жавоб қоникарсиз бўлса-да, индамадим.

Чой ичаётган вақтимизда ҳам ҳопат ўзгармади. У чойнақдаги охирги чойни пиёламга қуйгач, худди мен биринчи мартаба кўраётгандек термилиб қараб турди-да:

— Дадаси, — дея ғалати овозда гап бошлади, — канарейка ақллими ёки мушук?

Савол жуда ноодатий бўлгани учун ҳайрон қолдим. У эса жавобимни тезроқ билгиси келаётганлиги кўзларидан аяқол сезилиб турарди.

— Шуни билмаганингни қара, — дедим кулиб. — Албатта, мушук ақли. Нега қизқиб қолдинг?

— Ўзим, билгим келди-да, — хотинимнинг овози анча дадиллашган эди. — Сизнингча, жониворларнинг ақллиси яхшими ё...

— Бу саволинг бояғи гапингдан ҳам ўтиб тушди-ку. Албатта, ҳамма нарсанинг ақллиси яхши-да. Масалан, ақли эр...

Бу гапимдан кейин хотинимнинг чеҳраси ярқ этиб очилди. Худди шу гапимни кутиб тургандек:

— Ўзим ҳам шунақа гап айтасиз, деб ўйловдим. Офарин, дадаси! Сизга беш баҳо! Жуда қўнглимдагини топиб айтдингиз. Ҳамма нарсанинг ақллиси яхши. Мушук ақли бўлмаса, тўрсаваддаки менга ўхшаб сайрайдиган ўша қимматбаҳо аҳмоқ канарейкангизни еб қўярмиди, а?

— Нима?!

